

Сўз — ярмарка иштирокчиларига

Тошкентда 17-18 октябрь кунлари бўлиб ўтган VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан пахта бизнеси ва йирик тўқимачилик компаниялари вакиллари, соҳа мутахассислари, экспертлар ва олимлар иштирок этди. ЎзА мухбирлари ярмарканинг айрим иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.

Прерна СУД хоним, Ҳиндистон Тўқимачилик вазирлиги департаменти директори:

— Ҳиндистонда тўрт миллиондан зиёд аҳоли тўқимачилик соҳасида фаолият юритади. Мазкур соҳа мамлакат иқтисодиётининг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Экин майдонларининг аксарият қисмига пахта экилади. Ташкилотимиз пахта экспорти билан шуғулланади.

Ҳиндистонда Ўзбекистон пахта бозорига катта қизиқиш билан қаралади. Ҳар гал ушбу ярмаркага келганимизда, мамлакатингизда пахтачилик жадал ривожланиб, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганининг гувоҳи бўламиз. Тошкентда ташкил этилган VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мамлакатингизнинг жаҳон пахта бозорига етакчи ўринлардан бирида туришини яна бир бор тасдиқлади.

Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналари фаолияти



Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бермоқда

тида ҳам ўз самараларини бермоқда. Корхоналарда ўрнатилган замонавий технологиялар ёрдамида хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришилаётди.

Тору СУЭХИРО, JETRO — Япония ташқи савдо ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Ташкилотимиз Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш билан



шуғулланади. Японияда Ўзбекистонга иқтисодиёти барқарор ривожланаётган мамлакат сифатида алоҳида эътибор билан қаралади. Мамлакатингизда тўқимачилик саноатини изчил тараққий эттиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Зеро, бу соҳа иқтисодий ривожланишнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланади. Бу борада «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси томонидан изчил савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда толаси пи-

шик, юксак сифатли, барча зарур стандартларга жавоб берадиган пахта етиштирилади. Бу қўллаб-даватларни мамлакатингиз билан пахта бизнеси йўналишида фаол ҳамкорлик қилишга, Ўзбекистон пахта бозорини муттасил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бугун Ўзбекистон пахта экспорти бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллаш мамлакатингизда пахта ишлаб чиқаришга қаратилган катта эътибор самараларидандир.

Бутун дунёда табиий маҳсу-

лотлардан кийим кийиш кенг урфга кирмоқда. Бу соғлиқ учун ҳам фойдали. Шу боис Ўзбек пахтасига талаб тобора ошаётди. Ўзбекистоннинг пахта бозорига яратилган улкан имкониятлар ва қўлай шарт-шароит Япония компанияларини мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга, бу ерга сармоя киритишга бўлган қизиқишини тобора оширмоқда.

ЎзА мухбирлари
Н.МАНЗУРОВА, И.УМАРОВА,
М.УМАРОВА ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 20 йил

Бош Қомусимиз —

жамиятда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг мустаҳкам пойдевори

Йигирма йилки халқимиз тарихида оламшумул сана — Асосий Қонунимиз — Конституциямиз қабул қилинган кунни байрам қилар эканмиз, ҳар сафар кўзимиз ўнгидан мамлакатимиз келажаги, ўнинг мутлақо янги миллий давлатчилик тизими ва бу тизимнинг бутун мазмун-моҳияти бор бўй-баста билан намоён бўлаверади.

Зеро, аини шу санадан бошлаб, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиёт йўлига қадам ташланди. Аини шу санадан бошлаб, юртимиз қиёфаси қандай бўлиши кераклиги белгилаб берилди ва унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини тубдан ўзгартириш борасида ҳуқуқий асослар яратилишига киришилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принциплари қондалари Конституция моддаларида том маънода ўз аксини топди. Хусусан, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликлари дав-

лат манфаатларидан устун эканлиги мустаҳкамланиб, аҳоли учун муносиб ҳаёт шароити яратиш — ягона мақсад муқаддас эканлиги белгилаб қўйилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон илк бор ўзининг ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Мазкур тамойиллар асосида Конституциямиз моддаларида Қонун устуворлиги, унинг барча қатламдаги фуқаролар учун тенглиги, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари тарзда акс этди.

Давоми 3-бетда ➤

Йўл ҳаракати хавфсизлиги

фуқаролар соғлиғи ва ҳаёти гаровидир

Қўмита йиғилиши

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Парламент қўйи палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган давра суҳбатига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари, мутахассис ва олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолати ва йўлларнинг ҳолатини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Йўл ҳаракати соҳасидаги миллий қонунчилик тизими яратилиб, бу ҳужжатлар за-

мон талаблари асосида такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўналишига тегишли 6 та қонун, 2 та кодекс ҳамда Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди.

— Ҳозирги кунда йўловчи ташиш транспорти хизмати кириб бормаган жой қолмади ва бугунги кундалик турмушимизни транспорт воситаларисиз асло тасаввур этиб бўлмайди, — деди Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир Жўраев. — Аммо автомобиллар сонининг тобора кўпайиб бориши, ўз навбатида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, юз бераётган транспорт ҳодисаларининг оқибатларига эътиборни қучайтиришни тақозо этади.

Давоми 2-бетда ➤

Феруза Сабитова:

“Ҳаммасига ўз кучим ва меҳнатим эвазига эришдим”

Учрашув

Бугун юртимизнинг барча гўшаларида кинотеатрлар томошабинлар билан тўлаллиги, муҳими уларнинг танлаш имкониятига эга эканлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Айниқса, ватанга муҳаббат, ота-она ва дўст-ёрга садоқат руҳини тарғиб қилувчи киноасорлар кўплаб намоиш қилинмоқда. Суҳбатдошимиз кўплаб кинофильмлардаги образлари билан томошабинлар меҳрига сазовор бўлган Феруза Сабитова.

Давоми 8-бетда ➤

Депутат минбари

Мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бу соҳада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш каби масалалар мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларида ноқ пухта ўйланган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалиги тубдан ислох этилди, аграр соҳага замонавий технологиялар татбиқ қилинди.

Изчил ва барқарор ислохотлар

замирида халқимиз манфаати, эртанги куни, порлоқ келажаги ётади

Айниқса, мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид ўнлаб қонунлар, фармон ва қарорлар аграр соҳа, жумладан, боғдорчиликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳа-



сини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ташкил этилди, ер майдонлари ўз эгасини топиб, уларнинг унумдорлиги, ҳосилдорлиги ошишига эришилди. 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни

кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга асосан эса аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида пахта экиладиган майдонлар 75,8 минг гектарга, 2012 йилда эса қарийб 30 минг гектарга қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган ер майдонлари кенгайтирилди.

Пахта майдонини қисқарти-

риш ҳамда экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига 2012 йилда асосий майдонларда сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотлари 2005 йилга нисбатан қарийб 1,5 маротабага кўпайди. Бу тадбир, ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Давоми 3-бетда ➤



«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун обуна бошланди!

Вақтида обуна бўлишни унутманг, ана шунда газетани излаб овора бўлиб юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга ёки уйингизга кириб келади!

«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!

Нашр кўрсаткичи 100.

Юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси



Бу йил ўзбек футболлари учун галабаларга бой бўлмоқда: Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпиони, мамлакатимиз ногиронлар терма жамоаси кетма-кет учинчи марта жаҳон чемпиони ўнвонини қўлга киритди.

Пойтахтимизда ушбу терма жамоалар аъзоларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

8-бет

Партия ҳаёти

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг Парламент қуёи палатасидаги фракцияси аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Кун тартибидagi «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур Қонун лойиҳаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасининг мақсади тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ҳисобланиб, қонун лойиҳаси бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида таъкидланган Фармонининг 3-бандида 2012 йил 1 августдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилиниши назарда тутилган.

Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни

бошлаш ва рўйхатдан ўтказиш соҳасида ҳўжалик юритувчи субъектлар (кредит ташкилотлари бундан мустасно), уларнинг устав фондида таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорнинг бир қисмини давлат рўйхатидан ўтказилишидан олдин тўлаши лозимлиги тўғрисидаги талаб бекор қилинди. Бунда ҳўжалик юритувчи субъектларда устав фондидан давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида шакллантириш мажбурияти сақланади.

Шу муносабат билан "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига тегишли ўзгартириш киритиш таклиф қилинмоқда.

Шартномавий муносабатлар ва шартнома шартлари бажарилиши учун жавобгарлик соҳасида акциядорлик жамиятларининг манфаатдорлик битимлари тўғрисидаги ва бошқа муҳим ахборотларни қимматли қўғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг сайтига жойлаштириш орқали чоп этилиши ҳам Фармонда назарда тутилган.

Шундан келиб чиқиб, лойиҳада "Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 39-моддасига тегишли ўзгар

Тадбиркорлик фаолияти асослари янада мустаҳкамланмоқда



тириш киритиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини жалаллаштиришда қулай шарт-шароит яратишга қўмаклашади.

Жиноий жавобгарлиқни либераллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 41-моддасини бешинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинмоқда. Унга қўра шартномага мувофиқ банк ва бошқа молия муассасалари ходимларининг хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, кредитлар бериш бўйича ҳаракати, мазкур шартнома бўйича

тадбиркорлик ва бошқа тижорат таваккалчиликлар оқибатида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганида жиноят ҳисобланмайдиган.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддасига устав фондида давлат улуши бўлмаган қорхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкани ўзлаштириш, растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш мазкур қорхона, муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахси, мулкдори ёки ваколатли бошқарув органи берган

шикоят аризаси асосидагина жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилиши таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, ушбу қонун лойиҳаси билан "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига, "Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 39-моддасига ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини жа

даллаштиришда қулай шарт-шароит яратишга қўмаклашиш мақсадида таклиф этилмоқда.

— Партиямиз ўз сайловолди дастури орқали иқтисодиётда давлат иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вазирлик ва идоралар фаолияти сифатини узлуксиз ошириш, расмийчилик унсурларини бартараф этиш, қабул қилинаётган қарорларни чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш тарафдори эканлигини илгари суради, — деди фракция аъзоси Қодир Жўраев. — Шу нуқтаи назардан, мазкур қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни янада тартибга солиши ва уларга кенг эркинлик яратиши билан дастурий ҳўжаримизга мос келади ҳамда уни қўллаб-қувватлашимизга асос бўлади.

Биринчи ўқишда ҳавола этилаётган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилди.

Мазкур қонун лойиҳаси орқали «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш

тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинмоқда.

Амалиётда турлича талқин қилинишларнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг илгари рўйхатдан ўтказилган фирма номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш бўлган, тегишли тадбиркорлик субъектларини айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган фирма номи рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмаслигини назарда тутувчи ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунига киритилиши лойиҳа орқали таклиф қилинмоқда.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида сўз олган фракция аъзолари муҳокамадаги ушбу қонун лойиҳалари тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга ҳизмат қилиши билан Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий мақсад, вазифалари билан мутаносиблигини таъкидлаган ҳолда уни маъқуладилар.

Йиғилишда, шунингдек, қўн тартибидagi бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Улар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Йўл ҳаракати хавфсизлиги

фуқаролар соғлиғи ва ҳаёти гаровидир

Давоми. Боши 1-бетда


Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда айрим муаммолар юзга келаётгани сир эмас. Ушбу муаммоларнинг мақбул ечимини топиш учун бундан 13 йил илгари қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни давр талаб этмоқда.

Қўмита аъзоси Одилжон Парпиев мазкур қонун лойиҳаси фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкани муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принциплари, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашнинг зарурий ва мақсадли йўналишларини белгилашга қаратилганлигини таъкидлаган ҳолда қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга изоҳ берди:

Биринчидан, амалдаги қонун «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари» деб номланган янги 31-модда билан тўлдирилмоқда. Унга биноан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилмоқда.

Иккинчидан, қонун лойиҳасида мутасадди органларнинг ваколатлари ҳам аниқлаштирилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг фаолияти билан боғлиқ норма билан тўлдирилмоқда.

Учинчидан, қонун лойиҳаси «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки» деб номланган янги 91-модда билан тўлдирилмоқда. Унга қўра, нодавлат нотижорат ташкилотла-



рига ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш доирасида турли тадбирларни ташкил қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ваколатли давлат идораларига таклифлар киритиш ҳуқуқлари берилмоқда.

Шунингдек, амалдаги қонунда киритилаётган яна қатор ўзгартишлар ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий асосларни янада ривожлантириб, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, транспорт воситаларига эга бўлган қор-

хона ва ташкилотларнинг, фуқароларнинг йўлларда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш бўйича масъулиятини ошириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва уларда жабрланганлар сонини камайтиришга хизмат қилади.

Давра суҳбатига чоғида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олиниб, тегишли қарор қабул қилинди. Йиғилишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан жойларда ўтказилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илҳос САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

Зиммамиздаги асосий масъулият дастурий ҳўжаримиз ижроси ва электорат манфаатларини таъминлашдир

Депутатлик гуруҳларида

Бугунги кунда Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашида Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган тўққиз нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. 2009 йилги бўлиб ўтган сайловларда яхши натижага эришганлигимиз партиямиз сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун катта замин яратмоқда.

2011 йилда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилган эди. Ушбу дастурда вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари ўзлари бириктирилган кенгашнинг доимий комиссиялари ва сессияларида ўз таклиф мулоҳазалари билан фаол иштирок этишлари, ўз сайлов округларидаги фаолиятларини партиямиз сайловолди дастури доирасида олиб бориб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва муайян масалаларга оид таклифларини доимий комиссиялар мажлислари кун тартибига киритишлари муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳларимизнинг жорий йил тўққиз ойи мобайнидаги фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, бирмунча ютуқларга эришилганига гувоҳ бўламиз. Ушбу вақт давомида депутатлик гуруҳларимиз томонидан партиямиз дастурий ҳўжарига ҳамда электоратимиз манфаатларидан келиб чиқиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида доимий комиссияларга 30 га яқин таклифлар берилди.

Хусусан, мен ҳам депутатлик ваколатимдан фойдаланиб, вилоят Кенгаши сессияларида «Биогаз ишлаб чиқарувчи мослама қуриш ва биогаз ишлаб чиқарувчи экинлар экишни йўлга қўйиш», «Барча турдаги истеъмолчиларнинг электр ва газдан оқилона фой-

даланишлари бўйича тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш», «Истеъмолчиларнинг газ ва электр энергиясидан фойдаланиш ва тўлов маданиятини шакллантириш» каби масалалар бўйича ўз таклифларимни бердим.

45-Орқа Тозабой сайлов округидан сайланган Равшан Атамуродов томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига «Бензин, нефть маҳсулотларини мунтазам равишда аҳолига етказиш» масаласи киритилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу масала ўрганилганда январь, февраль, март ойларида вилоят миқёсида бензин танқислиги кузатишгани аниқланди. Унинг ечими сессия кун тартибига қўрилгандан сўнг вилоят ҳокимлиги томонидан шаҳар ва туман марказларидаги автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаларида бензин мунтазам етказилиши таъминланди.

Шунингдек, ҳар ойда партиямиздан сайланган депутатлар ўзлари сайланган округлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитини яратиш юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари билан чиқмоқдалар. Хусусан, Урганч шаҳридаги кўп қаватли биноларнинг юқори қаватларида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини яхшилаш масаласида аҳоли томонидан депутатлик қабулхоналаримизга шикоят ва аризалар тушган эди. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида Урганч шаҳар «Сувоқова»

ташкilotига мурожаат этилди ва муаммони бартараф этиш чоралари кўрилишига эришилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, фаолиятимизда айрим ҳато ва камчиликлар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, барча депутатларимиз ҳам жойлардаги партия ташкилотлари билан яқин ҳамкорлиқни йўлга қўймаганлар. Бунинг натижасида амалдаги қонун ҳужжатлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, партиямиз сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг партиямиз электорати манфаатлари нуқтаи назаридан ижро этилишини назорат қилиш суёт кеаётганлигини тан олишимиз лозим.

Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган Хоразм вилояти Кенгаши депутатлари олдидаги аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва янги иш ўринлари билан таъминлаш каби устувор вазифалар ҳам дастур доирасига киритилган. Дастурининг жойларда бажарилиши юзасидан жамоачилик ва депутатлик назоратини олиб боришдек муҳим вазифалар турганлигини айтиб ўтиш лозим. Бир сўз билан айтганда, электоратимизни ўйлантираётган муаммоларни халқ орасига чуқурроқ кириб ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чоралар қўришга эришиш олдимизда турган асосий вазифалардан бири.

Маълумки, яқинда Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз

иштирок этиб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда бугунги куннинг долзарб вазифалари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Мен ҳам вилоят Кенгаши депутати сифатида Президентимиз маърузаларини диққат билан тингладим. Юртимизни обод қилиш, халқимизнинг фаровон яшашига эришиш учун, айниқса, биз каби депутатлар зиммасига катта вазифалар юклатилганлигини янада чуқурроқ ҳис қилдим. Ушбу сессиядаги фикр-мулоҳазалардан депутатлик гуруҳи олдидаги тегишли вазифаларни аниқ белгилаб олдим.

Бугунги кунда депутатликдек улук мақомга эга бўлиш бу сайловчилар ишончини қозониб бўлибгина қолмай, балки юрт тинчлиги, Ватанимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги ишлар бошида туриб, жонбозлик кўрсатиш демакдир. Шу маънода, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳар бири ўз фаолияти давомида ҳудудий партия ташкилотлари ва сайловчилар билан доимий равишда алоқада бўлиши лозим. Шундангина, партия дастур доирасида олдида қўйилган мақсад вазифаларни тўла амалга ошира олади.

Аминбой АМИНОВ,

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги, Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзоси.

Бош Қомусимиз —

жамиятда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг мустаҳкам пойдевори

Давоми. Боши 1-бетда

Мазкур ҳокимиятларнинг мустақиллиги ҳамда улар ўрта-сида демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарт — ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми шаклланишига қонуний негиз яратилди.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири — Конституциямиз фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база бўлди. Сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўп партиявийлик тизимининг шаклланиши ҳамда тараққиёти борасида асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади. Айниқса, сайловларнинг эркинлигини, яъни фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлигини қафолатлаб, ҳар бир фуқаро ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Буларгина эмас, Конституциямиз миллий истиқлол гоёсини ва умумбашарий қадриятларнинг энг ибратли жиҳатларини ҳам қамраб олди. Миллий анъаналаримиз, Олтилик, ҳалқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади. Одамларнинг маънавий қамол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур ҳамда муносиб шарт-шароит-

лар яратди. Миллий, кўп укладли иқтисодиётимиз асосларини мустаҳкамлади. Ўзини оқламаган, аниқроқ айтганда, инқирозга юз тутган марказлашган маъмурий-тақсимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётга ўтиш учун мақбул шарт-шароит яратди. Хусусий мулкчиликка устуворлик берди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, Асосий Қонунимиз Миллий ҳавфсизлик ва мудофаа органлари тизимининг ҳам янгидан шаклланишига, уларнинг самарали фаолият қўсатишига оид давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати қўламини белгилаб бериб, уларда халқимиз манфаатлари, юртимиз фаровонлиги ҳамда ҳавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект эканлиги мақомини ҳуқуқий асослаб берди.

Кўрииб турибдики, Конституциямиз асосини давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойил таркиби — «Ўзбек модели» ташкил этди. Бу тамойиллар бугунгача барчамизга ёд бўлиб кетган — иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлат бош ислотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат ва ислотларнинг босқичма босқичлиги бўлиб, уларда мамлакатимизда ривожланаётган реал турмуш ва геосиёсий шароитнинг

Конституциявий модели ўз ақсини топди.

Этибор қилган бўлсангиз, Конституциямизнинг ҳар бир бўлими, ҳар бир моддасида урғу бериб ўтилган суверен давлат ва адолатли жамиятнинг шакллантиришнинг энг муҳим асослари — инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик, фуқаролар тинчлиги ҳамда миллатлараро тўтувчи таъминлаш тўла қафолатланган.

Булар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислотлар — тизимли ва аниқ кезде изчил ҳамда бири-бири билан боғлиқ хусусиятга эга эканлигини яққол англатиб турибди. Масалан, мамлакатимизда демократик ислотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси давлатимиз ҳамда жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берганлиги ҳам фикримизнинг ойдин тасдиғидир. Агар таъриф бериб айтадиган бўлсак, Концепция Конституциянинг асосий нормаларини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича демократик ислотларни мантикий давом эттиришнинг чуқур ва пухта ўйланган стратегияси бўлди. Яъни, бугун у моҳият этибори билан Ўзбекистон яқин ва узоқ истиқболда ўз олдига қўйган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегияси сифатида хизмат қила бошлади. Йигирма йилки,

амалга ошириб келинаётган конституциявий ислотларга янада жадаллик берди. Ўз бераётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурини тайёрлашга даъват этди.

Дастурда энг биринчи галда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида суд-ҳуқуқ тизимида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, мамлакатда олиб борилаётган бозор ислотлари ва бозор инфратузилмасининг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш каби жабҳалардаги ўзгаришлар ўз ифодасини топди. Бу ислотий ўзгаришлар, биринчи йилда эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган юксак вазифалардир, албатта.

Зеро, олдимизга қўйган энг юксак мақсадимиз ҳам мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига қўйиш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш бериш бўлиб, уларга етишувимиз учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шубҳасиз, мустаҳкам пойдевордир.

Умид ЖУМАНИЕЗОВ,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Давра суҳбати

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сергели тумани Кенгаши ташаббуси ва партиянинг «Ёш адолатчилар» Кенгаши ҳамда «Қамолот» ЁИХ Сергели тумани Кенгаши билан ҳамкорликда «Конституция-ижтимоий адолат қафолати» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тодбир Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланди.

Давра суҳбатида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, партиянинг «Ёш адолатчилар» Кенгаши, «Қамолот» ЁИХ фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.



лигини намойён этади. Шу жиҳатдан, Конституция умирбоқий қомусий ҳужжатдир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида ҳам қонунлар муқаммаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш устувор вазифа сифатида қайд этилган. Шу нуқтаи назардан партия ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинлигига асосланган, уларни бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш гоёсини илгари суришда давом этмоқда.

Тадбирда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ижтимоий адолат қафолати», «Сиёсий замонавийлашув жараёнида сиёсий институтларнинг такомиллашуви» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Ёшлар ўз чиқишларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Бош қомусимиз ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни, юртимизда қонун ижодкорлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги масалаларига оид фикр-мулоҳазаларини билдирди. Давра суҳбатида ёшлар ўзларини қизиқтирган қўллаб-қувватлаш жавоб олди.

Дилором ЖУМАНИЕЗОВА,
«Адолат» мухбири

Изчил ва барқарор ислотлар

замирида халқимиз манфаати, эртанги кун, порлоқ келажаги ётади

Давоми. Боши 1-бетда

Мустақиллиқнинг илк давридаги олинган ҳосилдорлик билан бугунги кунда олинаётган ҳосилдорликни таққослайдиган бўлсак, 1991 йилга нисбатан сабзавот, полиз, картошка, мева ва узумчиликда қарийб 2,5 баробарга ошганлигини кўриш мумкин.

Республикамиз селекционер олимлари томонидан тез муддатда пишадиган юқори сифатли, ҳосилдор, касалликларга чидамли сабзавот экинларининг 58 та, полизнинг 20 та, картошканинг 11 та, мева-узумнинг 24 та янги навлари яратилди ва Давлат реестрига киритилди.

Бундан ташқари, дунё андозаларига мос илғор технологияларни қўллаш бўйича республикада илк бор сабзавотнинг 6 та гетерозис дурагалари яратилди.

Бу тадбир ўз навбатида сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички истеъмол бозорини сархил, сифатли маҳсулотлар билан янада тўлдирish имкониятларини кенгайтирди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда нафақат богдорчилик маҳсулотлари етиштириш, балки уни қайта ишлаш ҳам алоҳида этибор қаратилмоқда. Жумладан, фермер хўжалиқлари, агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналари ҳамда тадбиркорлар томонидан охириги йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган 231 та минитехнология олиб келиниб, ўрнатилиши ҳисобига қайта ишлаш ҳажми қарийб беш маротабага ошди.

Бу эса, ўз навбатида, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти салоҳияти ҳам йилдан-йилга ошиб бораётгани, яъни сўнгги 5 йилда 4 баробарга кўпайганини кўрсатади.

Аҳолини йил давомида сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида иссиқхоналар қуришга ҳуқуқимиз томонидан алоҳида этибор қаратилиб, зарурий шарт-шароитлар яратилаётганлиги боис охириги 3 йилда



минг гектардан ортиқ майдонда иссиқхоналар барпо этилди. Натижада куз-қиш мавсумида қўшимча юз минг тонна сархил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилиши билан бир қаторда, жами 12 минг янги иш ўринлари яратилганлиги ҳам, айниқса, этибор-лири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги «2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳақида»ги қарори асосида республикада 120 минг тонналик мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари сақлайдиган замонавий музлаткич-оми борхоналар қуриш белгилаб олинди.

Айни чоғда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда богдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги маҳаллий ва интенсив мевали боғлар барпо этиш, яроқсизларини қайта реконструкция қилиш бўйича тегишли чора-тадбирлар асосида ҳудудларда салмоқли ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунда республика бўйича барча тоифа хўжалиқлар бог-тозорларда агротехник

тадбирлари ўтказилмоқда. Жумладан, қатор орасини ҳайдаш, маҳаллий ўрит чиқариш, минерал ўғитлар билан озиклантириш, касаллик ва зараркундаларга қарши ишлов бериш ишлари олиб боришмоқда.

2012 йилнинг ўтган даври мобайнида республика бўйича 7,6 минг гектар янги боғлар ва 3,8 минг гектар янги тозорлар ва 2,6 минг гектар пахона ва ярим пахона (интенсив) мевали боғлар барпо этилди. Бундан ташқари, 8,5 минг гектар бог ва 6,0 минг гектар тозор реконструкция қилинди.

Богдорчилик маҳсулотлари етиштиришни илмий асосда ривожлантириш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Таҳрибада синалган, қурғоқчилик, турли зараркундалар ва касалликларга чидамли, юқори ҳосилли навларни кўпайтириш имкони ортмоқда. Шубҳасиз, боғларга тежамкор технологияларни татбиқ қилиш, туپроқ унмуддорлигини ошириш, тоғ, тоғолда ва лалми ҳудудларни ўзлаштириб, боғлар барпо этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётгани ҳам бу борада катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Соҳани ривожлантиришда олиб борилаётган бу каби ис-

лохотлар замирида, аслида, халқимизнинг эртанги кундаги тақдири ётади. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигини ҳисобга олсак, ҳозирги пайтда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш глобал муаммолардан бири бўлиб бормоқда. Маълумотларга кўра, айни пайтда дунёнинг 80 та мамлакатда 73 миллион киши озиқ-овқат танқислигини бошидан кечирмоқда.

Дунёда қишлоқ тараққиёти ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга берилаётган алоҳида этибор демографик ўзгаришлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Таҳлиллар кўрсатишича, 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг сони 9-10 миллиардга ташкил қилиши мумкин. Кейинги 30 йил давомида дунё аҳолисининг сони ҳар йили 100 миллионга кўпайиб бориши тахмин қилинмоқда. Шу сабабли, ҳозирда халқаро ҳамжамиятнинг олдида турган энг муҳим масалалардан бири жадал сурьатлар билан ортиб бораётган аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондиришдир. Албатта, бу ўринда энг асосий

масала озиқ-овқат таъминоти-дир. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши ўз-ўзидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бўлган эътиборни кучайтиришни талаб қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 23 августдаги «2012-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам, шубҳасиз, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастурида қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш партиянинг устувор вазифаси сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан етакчи олий ўқув юрлари ва илмий-тадқиқот институтлари базасида аграр сектор мутахассислари малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш лозим. Шунингдек, барпо этилаётган интенсив мевали боғларда қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, «Ислохот ислот учун эмас, авваламбор инсон учун» тамойилига асосан иш қўрилиб келинаётган мамлакатимизда олиб борилаётган бу каби изчил ва барқарор ислотлар замирида халқимиз манфаати, эртанги кун, порлоқ келажаги ётади.

Алтиер АҚРАМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Ижтимоий адолат қафолати

Конституция жамият ва давлат тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг асосий принципларини, уларнинг ваколатларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаб беради. Барча қонунлар, кодекслар, қарорлар ва фармонлар Конституция негизида ва унга мувофиқ тарзда қабул қилинади. Бу эса давлатнинг ҳар бир норматив ҳужжати Конституцияга мос келиши шарт эканлигини англатади. Конституцияда республикамиз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқи, эркинлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ўз ифодасини топган. Катта сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамиятнинг асосий қафолати — Ўзбекистоннинг фаол-

лигини намойён этади. Шу жиҳатдан, Конституция умрбоқий қомусий ҳужжатдир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида ҳам қонунлар муқаммаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш устувор вазифа сифатида қайд этилган. Шу нуқтаи назардан партия ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинлигига асосланган, уларни бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш гоёсини илгари суришда давом этмоқда.

Тадбирда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ижтимоий адолат қафолати», «Сиёсий замонавийлашув жараёнида сиёсий институтларнинг такомиллашуви» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Ёшлар ўз чиқишларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Бош қомусимиз ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни, юртимизда қонун ижодкорлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги масалаларига оид фикр-мулоҳазаларини билдирди. Давра суҳбатида ёшлар ўзларини қизиқтирган қўллаб-қувватлаш жавоб олди.

Дилором ЖУМАНИЕЗОВА,
«Адолат» мухбири

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси "Биргаликда ҳаракатда" шиори остида 2012 йилдаги спорт йўналишига оид ўз ташаббусларини бошлайди.

"Биргаликда ҳаракатда" акцияси

Ушбу лойиҳа уч қисмдан иборат бўлади: ярим марафон югуриш бўйича Германия чемпиони Ингалена Хойк иштирокида Тошкент вилоятида спорт байрамлари, ушбу профессионал спортчи билан индивидуал машғулотлар ўтказиш имконияти учун танлов ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида спорт байрамлари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Ангрен шаҳар 4-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Олмалик шаҳар 3-сонли болалар ва ўсмирлар мактаби ва Қибрай тумани 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтадиган спорт байрам-

ларига барча қизиқувчиларни таклиф этади. Ушбу тадбирлар доирасида германиялик профессионал марафон югурувчи ва спорт соҳаси мутахассиси Ингалена Хойк спорт мактаблари ўқувчилари учун маҳорат дарслари ўтказиш ва иштирокчиларга соғлом овқатланишнинг профессионал спорт учун аҳамияти ҳақида маслаҳатлар беради.

Спорт йўналишидаги тадбирлар 2012 йилнинг 19 ва 20 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус ва Мўйноқ шаҳарларида давом эттирилади. Бу тадбирларда элчихонанинг маданият ва матбуот бўлими раҳбари иштирок этиб, элчихонанинг спорт буюмларидан иборат совғаларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига топширади.

Наманганда технопарк очилди

Наманган шаҳрида техник санот мажмуаси — технопарк ишга тушди. Унда 32 та янги тадбиркорлик субъектлари жойлашган бўлиб, лойиҳа асосида 455 та янги иш ўринлари яратилди.

Лойиҳанинг моҳияти шундан иборатки, тўлиқ қувват билан ишламай турган йирик санот корхоналаридаги бўш ишлаб чиқариш майдонлари ҳисобга олинди. Ушбу жойлардан унумли фойдаланиш мақсадида маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали эълонлар берилди. Шундан сўнг янги бизнес лойиҳалари билан мурожаат этган тадбиркорларнинг талаблари қўриб чиқилди. Қисқа вақт оралиғида техник санот мажмуасига 3 миллиард 100 миллион сўмлик инвестиция жалб этилди. Бугунги кунга келиб мажмуада эркаклар костюм-шимлари, пальтоси, болалар кийимлари, парда, пойабзал тикиш цехлари иш бошлади. Бундан ташқари, дазмоллаш, газ ҳисобла-

гичларни таъмирлаш, интернет ва уяли алоқа хизматлари, темир эшик ва дарвозалар ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилди. Бинонинг биринчи қаватида тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан биргаликда халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат ва дори-дармон маҳсулотлари савдосини амалга оширувчи мажмуа ҳам аҳоли юқини енгил, узоғини яқин қилимоқда.

Лойиҳа доирасида «Нотўқимачи» ва «Наманган Агрош» очик акциядорлик жамиятлари, «Натурал Инвест» ҳамда «Хайн текс» масъулияти чекланган жамиятлари базасида ҳам янги техник санот мажмуалари ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Ижтимоий ҳаёт

21-октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

Тил — халқ руҳи гўзаллигини асровчи тилсим!

Мустақиллик сари дастлабки одим, тамал тошининг қўйилиши — 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишидир. 1995 йил 21 декабрда эса “Давлат тили ҳақида”ги Қонун истиқлол даврига мос равишда янги таҳрирда қабул қилинди. Унинг биринчи моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб ёзиб қўйилган. Ушбу модданинг ўзиёқ, бу муқаддас қонуннинг мазмун-моҳиятини очиб беради. Алоҳида таъкидлаш жоизки, конституция-мизда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ва бошқа расмий ҳужжатларда она тилимиз бўлмиш ўзбек тилининг ҳуқуқий мақоми ва истиқболи аниқ кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан олдинроқ ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши ижтимоий-сиёсий ҳаётда туб ўзгаришларга олиб келди. Миллий тил — миллий ўзликини англашнинг биринчи белгиси, яъни миллатнинг миллат бўлиб шаклланишида энг муҳим шартлардан саналади. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши уни нафақат амалий, шунингдек, илмий нуқтаи назардан ҳам ўрганиш учун кенг имкониятлар яратди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, она тили — бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзligидан жудо бўлиши мумкин.

Ушбу гоёдан илҳомланган тилшунос олимларимиз ўз эътиборларини юқорида қайд этилган муаммоларнинг ечимига қаратдилар. Масалан, жуда қисқа вақт ичида ўзбек тилини назарий ва амалий нуқтаи назардан ўрганиш давр талабига мослаштирилди. Бу борада ўзбек тилининг доимий тил анжуманини ўтказиш йўлга қўйилганлиги ўзининг амалий самараларини бермай қолмади. Ушбу ишларда фидойи профессорлар Х.Неъматов, А.Нурмонов, Н.Махмудов каби олимларимизнинг хизматлари катта бўлди. Ана шу йўналишда юзага келган асарлар сирасига таълим тизими-га бағишланган китоблардан ташқари, шубҳасиз, Н.Махмудовнинг “Ўзимиз ва сўзимиз”, “Маърифат манзиллари”, “Тил ва маданият”, “Тил” каби илмий-оммабоп асарларини келтириб ўтиш жоиз. Она тилига чуқур ҳурмат, унинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида жонкуярлик билан мулоҳаза юритиш, истиқлол ва давлат тили ҳақидаги қонун тил эркинлиги тўғрисидаги келган келганлиги, янги-ча қарашларнинг тил соҳасида юксак амал қилиниши, она тилининг ривожига эътиборни қўйиш тўғрисида ҳамхўрлик билан қайғу-

риш ва бошқа жиҳатлар ушбу китобларнинг бош мавзуларидир.

Бу, албатта, “Давлат тили ҳақида”ги Қонун барча жойда тўлақонли баҳариланти, деган гап эмас. Бу борада анчагина камчиликларимиз ҳам мавжуд. Зеро, ўзбек тилини билганларга ҳам, билмаганларга ҳам бир хил талаб қўйиш салбий оқибатларга олиб келяпти. Шунинг учун ҳамки, наздимизда улар учун махсус замонавий дастур ва қўлланмалар яратиш эҳтиёжи туғилмоқда. Чунки тилини билиш — дилини билиш демакдир, қанча тилини билса, шунча миллат дилига йўл топишдир. Таълим руҳи ва бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тилини ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларга асосланган усулларини жорий этиш давр талабидир. Бинобарин, ўзбек тилини ўқитиш давлат сиёсати мақомида экан, жойларда раҳбар ходимларнинг Давлат тили ҳақидаги Қонун ижросидаги масъулиятини янада ошириш зарур. Чунки бу борада ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам анчагина.

Дарвоқе, Президентимизнинг қуйидаги дастуриламал фикрларини унутмаслигимиз лозим. “... Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида раво, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам, қийин”. Демакки, тилимиз имкониятларидан унумли фойдаланиш худди шу тилимизни, бойлигини асраш, қийматини сақлаш билан баробардир.

Шавкат ШУКУРОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сурхондарё вилояти Кенгаши
“Ёш адолатчилар” қаноти раиси,
Аҳад ШУКУРОВ,
Термиз давлат университети
катта ўқитувчиси



Суратларда: ТошДАУ қошидаги табиий фанларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Нилуфар Эргашхўжаева ўқувчилар билан.

Аждодлардан мерос хазина

уни асраб-авайлаш, келажак наслларга бус-бутун етказиш маънавий бурчимиздир

Ёқимли ва мукам-мал нутқ инсоннинг ҳеч нарсага тенглаб бўлмайдиган маънавий бойлиги, жаҳоҳирлар тўла сандиғи ҳисобланади. Яхши сўз, яхши хабар дилни қувончга тўлдирди, юрагига малҳамдек таъсир қилади. Шу боисдан ҳам, халқимизда тилга эътибор бериш, ҳар бир сўз, ҳар жумлани ўйлаб гапириш, қисқа сўзлаш, муомала одоби ва маданиятига ҳамиша риоя қилиш ҳусусида қўлаб ҳикматлар мавжуд.

“Эй ўғил-қизларим, тилга эътиёт бўлинглар! Киши дилини оғригадиган, қўнглини қолдирадиган, иззат-нафисига тегадиган, ор-номуси, шаънини оёқ ости қиладиган сўзни асло сўзламанглар. Ҳамма вақт ширин сўз бўлинглар. Чунки тилдан етган озор найза озорида ёмон”, деб ўқдиришади устозлар.

Кайковуснинг машҳур “Қобуснома” асарида нутқ ва муомала одобида алоҳида эътибор берилган. Асарнинг еттинчи бобида қуйидагиларни ўқиймиз: “Эй фарзанд, токи қила олсанг (яъни, қўлингдан келса), сўз эшитмакдир қочмағилким, киши сўз эшитмак билан суҳан-гўйлик ҳосил қилур... Ёлғон ва беҳуда сўз айтмак девоналикнинг бир қисмидур. Ҳар кишига сўз айтар бўлсанг, қарағил, у сенинг сўзингга ҳаридорму ёки ҳаридор эмасму? Агарда уни сўзингга ҳаридор топсанг, унга сўзингни сотгил. Йўқ эрса, ул сўзни қўйиб, шундоқ сўз дегилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга ҳаридор бўлсин”.

Кайковус одамларни тўрт тоифага бўлади: “Бири улким, билур ва билгонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керакдур. Бири улдуким, билмас ва билмагонин билур, ул қобилдур, унга ўргатмоқ керак.

Бири улдуким, билур ва билгонин билмас, ул уйқудадур, уни бедор қилмоқ керакдур. Бири улдуким, билмас ва билмагонин ҳам билмас, у жоҳилдур, ундан қочмоқ керакдур”.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида тил одоби, яъни ўқиш ва билим олишда тилнинг аҳамияти, қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ортиқча эрк бермаслик ҳусусида қуйидагилар баён қилинади: “Тил ақл ва билимнинг таржимонидир. Билки, кишини нуруний қилувчи восита очик ва мазмундор тилидир... Тил кишини иззатли қилади, киши тили билан бахтли бўлади. Тил арслондир, қара, у сени доим эшикда пойлаб ётади. Эй мағрур уй ҳўжаси, хушёр бўлқи, агар тилингга ортиқча эркинлик берсанг — уйламасдан сўзласанг — у бир кун эмас, бир кунни ўз бошингни ейд...”

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, тил — сўзловчи истатини эшитувчига етказувчи таржимондир. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий тилни инсонни ҳайвондан ажратувчи “гавҳари шариф”га ўхшатади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзлари ҳам айни ҳақиқатдир: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

Она тилимиз, ундаги ноёб сўз ва иборалар, ҳикматлар, мақол ва маталлар асрлар давомида жуда катта ҳаётий таъдир асосида шаклланган, тўпланган ва сайқал топган бўлиб, бу ноёб хазина, биз, биздан кейинги авлодлар учун ноёб мерос ҳисобланади. Бу хазинадан баҳраманд бўлган буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккирлар дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшдилар, айни чоғда, ўзларининг буюк асарлари, илм-маърифатлари билан бу

хазинани янада бойитиб, мақоми баланд кўтардилар.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзи, орзу-умидлари, зулм ва истибдодга қарши курашлари, шу билан бирга, эзгу инсоний фазилатлари, бағрикенглиги, мард ва танглиги, ҳақсўз ва меҳнатсеварлиги сон-саноксиз мақол ва маталларда, ҳикматли ривоятларда ўз ифодасини топган десак, муболага бўлмайди. Шу боисдан ҳам, тилга эътибор бериш, уни миллий бойлик сифатида севиб-ардоқлаш, бойитиш, келажак наслларга бутун таровати, завқ-шавқи билан етказиш бизнинг аждодлар руҳи олдидаги маънавий бурчимиз ҳисобланади.

Тил шундай бир божки, ундаги ҳар бир нихол, ҳар бир гўнанинг ўз ўрни бор, борлиги улардан бири эътиборсиз, парваршишсиз қолса, боғнинг ўрқиси бўзилади, таровати сусаяди. Бинобарин, тилимиздаги ҳар бир мақол ва матал, сўз ва ибора ҳам худди шундай мақомга эга. Ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар, ривоят ва ҳикоятлар орқали биз узоқ ўтмишга назар ташлаймиз, халқимиз босиб ўтган машаққатли йўлдан хабардор бўламиз. Шу маънода, тилни бутунлиги кўни олис ўтмиш билан боғловчи маънавий қўп-рикка қийёслаш мумкин. Бу қўп-рик бизни эзгу амалларга, инсоний қомилликка, саховат-пешалик ва бағрикенгликка, ҳалол-поқликка, шу билан бирга, яратувчиликка даъват этади. “Тилини асраган эл бой бўлади, уни йўқотган эл эса йўлдан, ўзligидан адашади” деганларидек, тилимиз бойлигини ўзligимизни йўқотмаслик учун ҳам асрашимиз лозимдир.

Собиқ тузум шароитида тилимиз қўп жиҳатдан таназзулга юз тутди. Она тилига эътибор сусайди, неча асрлар давомида халқимизга маънавий ҳамроҳ, наҳот воситаси бўлиб келган ўзбек тили асоссиз камситилди. 1989 йилнинг 19 октябр кўни бўлиб ўтган Олий

Кенгашининг навбатдаги сессиясида мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб расман эълон қилинди. Мустақилликка эришганимиздан кейин, 1992 йилнинг 7 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилди, яъни ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, маҳдияси каби муқаддас тинимоллардан бирига айланди.

Бу, шубҳасиз, катта ғалаба эди. Аммо узоқ йиллар давомида тилимизга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш осон бўлгани йўқ. Бу борада кейинги йилларда ичида жуда катта ишлар қилинди, она тилимизнинг қадди-баста, нуфузи тикланди, илмий-таъдидот ишлари, ёзишмалар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлди.

Бирок бу жараён асло тўхтаб қолмаслиги керак. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганидек, “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойлиқнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиши доирасини кенгайтириш, этимологик ва қийёсл лугатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзлигини, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз”.

Бу вазифани бажариш учун амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи тобора ошаётгани, ўзбек тилига, тарихимиз ва маданиятимизга, истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқларга қизиқиш дунё миқёсида кучайиб бораётгани, ўзбек кураши билан боғлиқ

иборалар жаҳон халқлари тилида янграётгани, тараққиётнинг “Ўзбек модели” дунёда эътироф этилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бироқ таассуфки, ҳали-ҳануз она тилига эътиборсизлик, тил маданиятини менсимаслик ҳолатларига ҳам дуч келиб турибмиз. Бунга асло бефарқ қараб бўлмайди. Буни телекўрсатувларда, радио эшиттиришларда, кино асарларида маълум ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементлари тобора қўпроқ учраётганида, адабий сўзлар, иборалар қолиб, шевада сўзлаш урф бўлиб бораётганида кўриш мумкин. Фақат шунга эмас, айрим тарғиботчи воизлар ҳам маъруза катта ишлар қилинди, она тилимизнинг қадди-баста, нуфузи тикланди, илмий-таъдидот ишлари, ёзишмалар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлди.

Бирок бу жараён асло тўхтаб қолмаслиги керак. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганидек, “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойлиқнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиши доирасини кенгайтириш, этимологик ва қийёсл лугатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзлигини, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз”.

Бу вазифани бажариш учун амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи тобора ошаётгани, ўзбек тилига, тарихимиз ва маданиятимизга, истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқларга қизиқиш дунё миқёсида кучайиб бораётгани, ўзбек кураши билан боғлиқ

М. АҲМЕДОВ

Сиёсий жиҳатдан етук малакали раҳбар кадрлар

ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг асосидир

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан «Сиёсий етук раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш: амалиёт ва янги тажрибалар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларни мукаммал даражада бажара олиш лаёқатига эга бўлган олий даражадаги раҳбар кадрларни тайёрлаш масаласи долзарб вазифа ҳисобланади.

— Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб

титутларини ривожлантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни бошқаришда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали кадрларга бўлган эътибор янада ортди. Мазкур фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, деб ўзгаририлди.

Давлат бошқаруви академияси республика миқёсидаги ва маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун бошқарувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ихтисослашган давлат ва жамият бош-


қаруви соҳасида фундаментал ва илмий-амалий изланишлар олиб борувчи олий таълим муассасаси ҳисобланиб, унда жорий этилган таълим тизими-га кўра бошқарув кадрлари икки йиллик таълим дастури асосида «Давлат бошқаруви» ҳамда «Жамият бошқаруви» мутахассисликлари бўйича ўқитилади. Академия битирувчилари магистрлик даражаси ва магистрлик дипломига эга бўладилар.

Давлат бошқаруви академияси фаолияти устувор йўналишчилари магистрлик даражаси ва магистрлик дипломига эга бўладилар. Академия битирувчилари магистрлик даражаси ва магистрлик дипломига эга бўладилар.

ловчиларнинг хорижий мамлакатлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, жамоат ташкилотларида ҳамда олий таълим ва илмий муассасаларида амалиёт ўташлари ва тажриба алмашишларида алоҳида эътибор қаратмоқда.

Муктасар айтганда, Давлат бошқаруви академияси мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, маҳаллий ҳокимият органлари ва ўз-ўзини бошқариш органлари ролини ошириш ҳамда жамият бошқаруви соҳасида етук раҳбар кадрларни тайёрлашда ўзига хос мавқега эга ўқув даргоҳи бўлиб қолаверади.

Ойбек ТОҶИБОВ,
«Адолат» муҳбири



Чорвоқ ГЭСининг модернизацияси 2012 йил охирида бошланади

2012 йил охирида Россиянинг “Силовые машины” ОАЖ Тошкент вилоятидаги Чорвоқ ГЭСини модернизация қилишни бошлайди.

“Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик компанияси вакили берган маълумотга кўра, бугунги кунда барча буюртмалар жойлаштирилган.

“Шу йил охирида дастлабки партияни етказиб бериш ва электр станциясини модернизация қилиш ишлари бошланади”, — деди “Ўзбекэнерго” ДАК вакили.

ГЭС ускуналарини алмаштириш унинг қувватини 155 дан 175

МВт гача ошириш имконини беради, бу эса йилга қўшимча 120 млн. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилишини билдиради.

Шартномани амалга ошириш муддати — уч йил. Умумий қиймати 53,9 млн. долларлик лойиҳани молиялаштириш ишлари Ўзбекистон маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.



Куйи бўгин

партия ва фуқаролар ўртасида бамисли кўприк

Бошланғич партия ташкилотларида

Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши мамлакатимизда алоҳида хурмат-эътиборга эга ташкилотлардан. Ўзида 5000 га яқин аъзони бирлаштирган ушбу Кенгашда 2 та шаҳар, 14 та туман партия Кенгашлари фаолият юритмоқда. 321 та бошланғич партия ташкилотларига эга Кенгашдан 26 нафар сафдошларимиз маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланган.

Биласиз, ҳар қандай йирик ташкилот кичик-кичик бўғинлардан иборат бўлади. Партия илгари сурган гоё ва ташаббусларни, унинг депутатлари амалга ошираётган ишларни электоратимизга бевосита тушунтириш, тарғиб қилишда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни бекиёс. Қисқароқ айтганда, БПТ — бу партия ва депутатлар билан аҳолини яқиндан боғловчи бамисли кўприк. Республика Кенгаши таркибида бугунги кун нафаси билан ҳаракат қилаётган сиёсий фаол, етук мутахассис аъзоларига эга БПТлар талайгина.

Нукус шаҳридаги «Кўс-кўл-2» МФЙ қошида фаолият юритаётган Гулоийм Бекбергенова бошчилигидаги БПТ ана шундай ташкилотлардан биридир. Олий маълумотли филолог, моҳир ташкилотчи Гулоийм опа раҳбар аёл сифатида қилаётган ишлари ва ижтимоий-сиёсий дунёқарашлари теранли-

ги билан эркак раислардан ўтса ўтадики, сира қолишмайди. Аввало ўзига ҳам, ходимларига ҳам талабчан, айлани пайтда меҳрибон ва жонкуяр. Бирор иш бошидан тутдими, охирига етказмай қўймайди. Сўнги кезларда бу ерда БПТ аъзолари сиёсий саводхонлиги ошди. Ташкилот қошида ҳамда маҳаллаларда қатор ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга тадбир ва сиёсий ўқувлар мунтазам йўлга қўйилди. Шаҳарда “Адолат” СДПнинг тарафдорлари нисбатан кўпайди.

БПТга 4 миллат вакиллари-дан иборат 40 нафар аъзо бирлашган. Унинг қошидаги жамоатчилик қабулхонаси эшиги фуқаролар учун ҳамиша очик. Шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида БПТга келиб тушган 2 та ёзма ва 4 та оғзаки мурожаатларнинг барчаси ҳуқуқий жиҳатдан ижобий ҳал этилди. Шундай мурожаатлардан бири 16-ўрта умтаълим мактаби ўқитувчиси М.Қабулованинг

компьютер синфхонасини замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминлаш кераклигини сўраб ёзган ёзма мурожаати бўлди. Мурожаат партия юқори органлари томонидан ўрганилиб, тегишли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тўла қаноатлантирилди.

— Ўзбекистонда сиёсий партиялар учун барча имкониятлар ҳуқуқий қафолатланган. Бундан оқилона ва самарали фойдаланиб, иш юритсак, марра бизники. — дейди Гулоийм Бекбергенова. — Шу ўринда, жамоатчилик назорати ва жойлардаги ҳудудий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мониторинг қилиш тизимини ҳам ҳали яна тараққий эттириш керак деган фикрдан. Шундагина биз, эртанги сайловларда электорат билан ҳамкор, ҳамжиҳатликда ҳаракат қила оламиз.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни кечаётган айлани пайтларда жамиятда ижтимоий адолат тантана қилиши учун баҳолли-қудрат хисса қўишни ўзининг партиявий бурчи, деб билган фаолияти элга манзур БПТларимиз ва уларнинг Гулоийм Бекбергенова сингари раислари бор экан, “Адолат” СДПнинг келажаги порлоқ, албатта.

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

Амалий ишлар кўнгилдагидек бўлса,

сафдошларимиз янада кўпаяди

Фаолиятга назар

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастурида белгиланганидек, партия Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш йўлида давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш тарафдори. Ўзбекистон “Адолат” СДП Навоий вилоят Кенгаши ҳам ўз иш-режасини айнан шу тамойиллар асосида белгилаб олган.

Хусусан, партия ташкилоти вилоятда фаолият кўрсатаётган “Қамолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла”, “Нуруний” жамғармаси каби жамоат ташкилотлари билан кенг алоқани йўлга қўйган.

Вилоятда мавжуд 87 та бошланғич ташкилотда мунтазам равишда турли ижтимоий-сиёсий мавзуларда учрашувлар ўтказилмоқда. Айниқса, Қармана, Қонимех, Қомди, Навбахор, Зарафшон тумани Кенгашлари ташаббуси билан сўнги 3-4 ой ичида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёш оилалар учун ҳукуматимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитларнинг ҳуқуқий асосларини кенг тушунтириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Шу билан бирга, “Ойлада тадбиркорликни ри-вожлантириш — давр талаби”, “Репродуктив саломатлики

муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш — соғлом жамият қафолати” каби тадбирлар кўплаб уюштирилмоқда. Муҳими, баландпарвоз сўзлар эмас, балки амалий ишлари билан алоҳида нафиз таъминлаш бундай тадбирлар самараси сифатида партия маслаҳатлари сони ошмоқда. Шу ўринда аҳоли истиқомат қилувчи уй-жойларда, маҳаллаларда муқобил энергия турларидан бири — қуёш батареясини ўрнатиш масаласи Кенгаш ташаббуси билан жойларда ижобий ҳал этилгани нафақат жисмоний шахсларнинг, балки ҳусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлганини таъкидлашдан бўлмайди.

Бироқ ақинда вилоят Кенгашининг Навоий шаҳрида ўтказилган навбатдаги йиғилишида жорий йилнинг 9 ойи-

га қадар вилоят партия ташкилотида амалга оширилган ишлар, ютуқ ва хатолар мутасил таҳлил қилинганда талайгина камчиликлар юзага чиқиб қолди. Гуруҳ қурмакис бўлмайди, дейилганидек йиғилишда айрим туман кенгашларининг фаолияти кескин танқид қилинди. Жумладан, Навоий шаҳар, Учқудук, Нурота, Хатирчи туман кенгашларида сустқашлик сезилаётгани, йил якунига қадар йўлга қўйилган хато-камчиликларни тузатиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

— Ушбу туман Кенгашлари партия дастури ва гоёсини тарғиб қилиш, уларга аъзо бўлувчилар сафини кенгайтириш ҳамда долзарб ижтимоий-сиёсий воқеликларга нисбатан “Адолат” СДПнинг муносабатини аҳолига маълум қилишда, афсуски, суст ҳаракат қилишмоқда, — дейди вилоят Кенгаши раиси Аҳмад Жумаев. — Бу эса, ўз навбатида, ўша туманлардаги электоратимиз сони ортмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Жорий йилнинг бошидан то ҳозиргача қадар сафимизга атиги 130 нафар аъзо қўшилган. Бу эса, бутун вилоят учун қониқарли кўрсаткич эмас.

Партиянинг ўз олдида қўйган мақсадларини, унинг сайловолди дастури ва йўналишини, Олий Мажлис Қонун-

чилик палатасида фаолият кўрсатаётган депутатларимизнинг қонунлар лойиҳалари муҳокамасида киритаётган ҳар бир таклифлари салмоғи юқори даражада бўлаётганини кенг оммага тушунтириш партиядошларнинг бурчидир. Шу ўринда кўпчиликни қийнаётган долзарб муаммоларни қонуний жиҳатдан ҳал қилишга ҳисса қўшадиган вилоят депутатлик гуруҳи фаолияти ҳақида ҳам тўхталмасдан бўлмайди. Вилоятдаги маҳаллий Кенгаш депутатлари халқ ичида юриб, улар дуч келаётган тўққонлик ва муаммоларни яқиндан ўрганиб, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатларни бериб ишлаш тизими йўлга қўйилмагани ачинарлидир. Сўнги пайтларда маҳаллий Кенгаш депутатларининг долзарб масалаларга оид назорат-таҳлил ишлари суст тарзда олиб борилмоқда. Айрим туман партия Кенгашлари депутатлари қошида жамоатчилик қабулхонаси мавжуд эмас. Электоратимизнинг талаб ва истакларига таяниб тизимли равишда иш юритсак, сафдошларимиз сони ортиб бориши муқаррардир.

“Адолат” СДП
Навоий вилоят Кенгаши
матбуот хизмати

«Smart» — йўлдаги таянч ва суянч


Енгил автомобилларга суюлтирилган газ баллонлари ўрнатишга ихтисослашган Сирдорё «SMART» масъулияти чекланган жамият қисқа вақт ичида мижозлар автомобилларининг таянчи ва суянчи бўлиб қолди.

Ҳозирча бу ерда 2 та боксда «Ласетти», «Нексия», «Дамас», «Жигули» енгил автомобиллари-га суюлтирилган газ баллонлари ўрнатилапти. Яқин кунларда «Матиз», «Спарк» автомашиналарига ҳам хизмат кўрсатишга лицензия олишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу — жамиятда тез орада янги иш ўринлари ҳам ортади, деганидир.

Эътиборли жиҳати, жамият қошида ҳайдовчилар учун очил-

ган ўқув хонасида уларга суюлтирилган газ баллонлари билан ишлаш малакаси берилиб, махсус гувоҳномалар топширилмоқда. Шунингдек, мазкур мўъжаз қорхонанинг баллонларни синовдан ўтказиш учун 300 атмосфера босимда текшириб қўрайдиган замонавий техник ускуналар билан жиҳозланганлиги ибратга моликдир.

Ғулом ХИДИРОВ



Назоратсиз автошоҳбекатлар ва

«пойгачи» автобуслар

Жамоат транспорти қандай ишляпти?

Самарқанд шаҳрининг «Қафтархона» автошоҳбекати қаршисида ҳар кун тикилинч манзарага дуч келасиз. Сабаби, шаҳар ичкари-сида ёки ташқарисида қатнайдиغان автобуслар автошоҳбекатини четлаб, тўхташ жойи белгиланмаган йўлда йўловчи йиғиш учун эшикларини ланг очиб тураверади. Бир эмас, баъзан уч-тўрт автобус йўлни банд қилиб қўйганлигидан бошқа транспорт воситаларининг йўлнинг шу қисмидан ўтиши мураккаб-лашади, пиёдалар ҳаракати учун хавфли ҳолатлар юзага келади.

Нега шундай бўлаяпти? Жамоат транспорти қатнови хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қурилиб, махсус тўхташ йўлакчалари билан жиҳозланган автошоҳбекатига кириб-чиқишга нима монелик қила-япти?

— Тўлов пули, — дейди автошоҳбекат директори муовини Зоҳир Тоҳиров. — Автокорхоналар билан тузилган шартномага кўра қира ҳақидан озгина қисми бизнинг ҳисобимизга ўтказилиши керак. Лекин автобус ҳайдовчилари шу пулни тежаб қолиш мақсадида бекатни паналаб, шу сиз ҳам тикилинч йўлда йўловчи тушириш ва чиқаришни афзал билишади.

Бу ҳолни назорат қилиш керак бўлган кишилар қаерда?

Ва, нега улар ўз хизмат бурчларига совуққонлик билан қарашаяпти?

Автошоҳбекат директори муовинининг таъкидлашича, йўлдаги тикилинч манзара қаршисида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини уч-тўрт ойдан буён учратгани йўқ. Белгиланмаган жойда тўхтаб қолгани бузганлиги учун бирорта автобус ҳайдовчиси жаримага тортилган ёки тегишли тартибда жазоланган ҳам эмас.

Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаси раҳбари Абдуҳалим Раҳимов бу ҳолнинг сабабини рота командиридан сўранг, дейди. Гўё йўллардаги ҳаракат хавфсизлиги ва қоидабу-



зарликлар учун айнан рота командири жавобгар эмиш...

Жамоат транспорти воситаларининг, хусусан, автобусларнинг аниқ жадвал асосида тўхтаб ўтишини кўрсатадиган йўл белгилари бор-йўқлиги нега инобатга олинмаётганлигини сўраганимизда, бошлик: «Шаҳарда транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тартибга соладиган йўл белгиларидан мингтаси етишмайди-ю, сиз битта автошоҳбекатдаги муаммони гапирасиз», — деди

сўраб-суриштирилари-миз-дан ҳафсаласи пир бўлгандек.

Ана ҳолос! Йўл ҳаракати белгилари етишмаслигини шаҳар ҳокимиятидаги тегишли соҳа раҳбарлари билан биргаликда аниқлаб ҳал этиш йўл ҳаракат хавфсизлиги хизмати бўлинмаси вазифасига кирмайдими? «Самарқандтранс» маркази директори муовини Фарид Бурхонов эса масалага муносабатини бироқ бошқача изоҳлайди. Унинг таъкидлашича, марказ томонидан автобус

ҳайдовчиларининг аниқ жадвалга риоя қилишлари, хусусан, автошоҳбекатлар орқали тўхтаб ўтишлари назорат қилинмоқда. Ҳатто, бу борада қоидабузарлик қилган ҳайдовчилар устидан автокорхоналар маъмуриятига тақдимономалар киритилган. Бироқ натижа эса...

Энди гапнинг индаллосини айтидиган бўлсак, автобус ҳайдовчиларининг ҳовлиқмалик қилиб белгиланмаган жойларда тўхтаб ёки ҳақиқий пойга-

ёки Самарқанд шаҳрида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш маданияти талабга жавоб берадими?

чилардек йўналиш давомиди бир-бирларини қувиб ўтишларига тушум режаси оғирлик қилаётганлигини сабаб қилиб кўрсатсак, эҳтимол тўғри бўлар. Ахир ҳайдовчи маошини

Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси раҳбари Абдуҳалим Раҳимов бу ҳолнинг сабабини рота командиридан сўранг, дейди. Гўё йўллардаги ҳаракат хавфсизлиги ва қоидабузарликлар учун айнан рота командири жавобгар эмиш...

режани бажаришга қараб кам ёки кўп олса ундан жадвалга аниқ риоя этишни талаб қилиб бўладими? Ҳайдовчи тушум режасидан ортиқча ҳар сўмини кассасида олиб қолишни хоҳлайди. Маъмурият эса автокорхона кассасида қирим

қўпайиб, чиқим камайишини истади. Акс ҳолда шаҳардаги жамоат транспорти қорхоналари ҳайдовчилари ўртасидаги қўнимсизлик ҳолатини қандай изоҳлаш мумкин? «Самарқандйўловчи», «Суҳроб-транс» ёки «Самарқандавтойўловчтранс» қорхоналари маъмуриятининг ўзаро ҳисоб-китоблар масаласида муаммолари етарлича эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Қисқаси, шаҳарда жамоат транспорти ишини яхшилаш, йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини ошириш билан боғлиқ айрим муаммоларни тилга олдиқ, ҳолос. Қайта қурилиб, қун сайин ободонлашадиган Самарқанд шаҳрида барча хизматлар, шу жумладан, транспорт хизмати ҳам талабга жавоб бериши ҳақида тегишли ҳулоса чиқариш эса ҳокимлик ва мутасадди идоралар раҳбарлари эътиборига ҳавола. Айтинг-айтинг, улар ҳам хизмат машиналарини четга қўйиб лоақал бир кун жамоат транспортидан фойдаланишса, муаммога бошқачароқ қарашармиди...

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Жараён

Ижтимоий шериклик

фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим талаби

Концепция:
устувор вазифалар

Фуқаролик жамияти — бу давлатга тобе бўлмаган, лекин у билан шериклик муносабатлари орқали ўзаро боғланган, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий ва сиёсий муносабатлари ривожланган жамиятдир. Яъни, давлат билан ҳамкорликда ривожланган ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи юқори ижтимоий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳуқуқий мақомга эга бўлган фуқаролар жамоасидир.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни салмоқлидир. Улар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларга йўналтирилган бўлади.

Сўнгги йилларда юртимизда бу соҳада ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилганлиги гувоҳи бўлмоқда. Яъни, энг аввало, ушбу муносабатларни тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий база шаклланди, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида XIII боб билан жамоат бирлашмаларининг конституциявий мақоми белгиланди. Бундан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг

қулай фаолият кўрсатиши учун бир қанча имтиёзлар берилди. Жумладан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, мол-мулкка солинадиган солиқни, ер солиғи ва бошқа солиқлардан, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг гайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божи тўланишидан озод этилди.

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илгари сурилган бир қатор қонунийлик ташаббуслари, жумладан, "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши бу соҳадаги ислохотлар ривожининг кейинги босқичига ўтишга асос яратди.

Маълумки, амалдаги қонунчиликда ҳозирга қадар ижти-

мой шериклики тартибга солувчи санақли нормалар қонун ҳужжатларида акс эттирилган.

Ижтимоий шериклик — бу келишув жараёни бўлиб, унда умумий ижтимоий мақсадларга эришишда тарафларнинг манфаатлар мувозанатини ушлаб турувчи институтлар, механизмлар ва жараёнлар тизимидир. Ижтимоий шериклик кенг тушунча бўлиб, унинг мазмунини турли нуктаи назардан келиб чиқиб аниқлаш мумкин. Тор доирада ижтимоий шериклик меҳнат муносабатларининг махсус тури ҳисобланади. Кенг маънода эса ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро махсус ҳамкорлиги бўлиб, ҳамкорлик қаратилган объектнинг қандай бўлишидан қатъи назар, яъни нафақат меҳнат муносабатлари, балки бошқа соҳаларда, жумладан, қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш каби ҳам бўлиши, манфаатларнинг ягона бир соҳадаги муштараклиги тушунилди.

Хорижий давлатларнинг бу йўналишдаги амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, ижтимоий шериклиkning дастлабки ҳуқуқий асослари Бельгияда 1948 йилда, Германияда 1952 йилда, Австрияда 1957 йилда, Францияда 1958 йилда ва Шимолий Европа давлатларида 1970 йилларда уларнинг конституция ва қонунлари қабул қилиниши билан мустахкамланди.

Ижтимоий шериклик ушбу муносабатларнинг тарафлари бўлиб асосан иш берувчи, ходим ва давлат (трипартистик) кўринишида намоён бўлган. Иштинимий шериклик учта даражада — миллий, тармоқлараро ва корхоналар даражасида амалга оширилган.

Саноати ривожланган мамлакатларда ижтимоий шериклик турли кўринишларда намоён бўлган. Хусусан, корпоратив тизим махсус орган (институт), жараёнлар ва механизмлардан фойдаланишни назарда тутди. Бу кўриниш Австрия, Япония, Германия, Швейцария, Нидерландияда кенг тарқалган. Масалан, Австрияда ижтимоий шериклик ҳам умумий, ҳам тармоқлараро даражада кенг тизимли маслаҳат кенгашилари ва кўмиталари орқали амалга оширилади. Ижтимоий шериклиkning махсус институтлари мавжуд бўлмаган давлатларда плюралистик тизим амал қилади (Буюк Британия, АҚШ, Канада). Бу ерда қарама-қарши манфаатларнинг келишув иш берувчи ўртасидаги ҳамкорлики ривожлантириш эса алоҳида корхоналар даражасида амалга оширилади.

II Жаҳон урушидан сўнг Европа мамлакатларининг самарали ҳаракати натижасида уларнинг аксариятида тадбиркорлар, касаба уюшмалари ва давлат ташкилотлари вакиллари иборат бўлган миллий ижтимоий-иқтисодий кенгашилар тузилди.

Франция Республикаси Конституциясининг (1958 йил 4 октябрдаги) XI бобида Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг конституциявий мақоми белгиланган. Унга кўра Кенгаши Ҳукуматнинг сўровига асосан қонун лойиҳаларига, ордонанс (қонун кучига эга бўлган ва Парламент рухсати билан ҳукумат томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар) ва директивалар, қонунчилик тақлифлари юзасидан ҳулоса бе-

риши, палаталар Парламентида унга тақдим этилган қонун лойиҳалари ва қонунчилик тақлифлари юзасидан ҳулосани эшиттириш мақсадида ўз аъзосини тайинлаши, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги иқтисодий муаммолар юзасидан ҳукуматга маслаҳатлар бериши мумкинлиги белгиланган.

Франция амалиётидан яна бир жиҳатни кўриш мумкинки, 2004 йилдан кейин республикада ижтимоий қонунлар қабул қилиш юзасидан қонунчилик ташаббуси ижтимоий шерикларнинг дастлабки муҳокамасиз амалга оширилмади. Бу эса бир қанча "сиёсий тўқнаш"нинг олдини олишга сабаб бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижтимоий шериклик бу шундай муносабатларнинг кўринишики, ундан барча ижтимоий муҳим гуруҳлар ва давлат бутунлай объектив манфаатдор бўлади, сабаби унда жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига, унинг тараққиётига, ижтимоий-иқтисодий ривожига эришилади, бу эса фуқаролик жамияти шаклланишининг юксак чўққисига эришиш учун замин яратди.

Зеро, бугунги кунда ушбу соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, қонунчилик негизини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижаси ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришдек эзгу ниятларимиз рўйбга чиқишининг энг муҳим кафилидир.

Умид ШАДИЕВ,

Адлия вазирлиги Жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бошқармаси мастул ходими

2012 йил —
Мустаҳкам оила йили

Мамлакатимизда оилага жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғини сифатида қаралади. Зеро, комил инсон ҳар томонлама фаровон, бекаму кўст, соғлом оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом авлодни вояга етказиш, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Муҳим вазифамиз

Оилалар ҳақида кўп гапира-миз ва ёзамиз. Чунки оила муқаддасдир. Оила мустаҳкам бўлса, жамиятимиз тинч ва фаровон бўлади. Болаларимиз бахтли яшайдилар, улар она юрда садоқатли инсон бўлиб етишади. Фарзандларимиз ота-онасига, қўни-қўннисига, дўсту биродарига меҳр-оқибатли бўлиб ўсади. Шундай экан, оиланинг тотувлигига, жипслашувига эришмоқ даркор. Бунинг учун энг аввало, ёшларни, айниқса, келин-куёвларни ҳаётга тайёрлаш зарур. Токи турмуш қўнғонларидан сўнг оила дарз кетмасин.

Агар ота-она соғлом бўлса, бола соғлом туғилади. Шунинг учун ҳар бир боланинг туғилган кунидан бошлаб, соғлиги борасида гамхўрлик қилиш керак. Оила қўришдан олдин ёшларни тиббий қўриқдан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Бўлажак она организмиде ҳомила пайдо бўлгунча ва ҳомиладорлиkning бошланғич даврида парвариш қилиш, яъни уларга витаминлар,

оқсилга бой озиқ-овқатлар бериш ҳамда хавфли омиллардан сақлаш соғлом фарзандлар туғилиши гаровидир.

Бир болага етти маҳалла ота, она дейди халқимиз. Бу нақлда маъно жуда кўп. Худудларда фарзандларининг бахт тўйларини белгиллаётган оилаларни ўз маҳалладошлари яхши биладилар. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилса, тўй кунларини тиббий қўриқдан ўтгандан кейин белгиллашса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хулоса шуки, оилани мустаҳкамлаш, унинг фаровонлигини таъминлаш, соғлом авлодни вояга етказиш ҳамма-мизнинг муҳим вазифамиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

О.ШУКУРУЛЛАЕВА,

Жондор туман ФХДБ бўлими мудираси

Маҳсулотни мижозларга манзур корхона

Фаолият

Бухоролик тадбиркорлардан бири Ёқуб Набиев дастлабки фаолиятини ўзининг чет эллик ҳамкорлари билан вилоятдаги мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик цехларни ярим тайёр хомашё ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлашдан бошлаган. Албатта, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни йўлга қўйса, даромади янада ортишини яхши билган тадбиркор тавakkалчиликка қўл урди.

Мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этиш мақсадида амалий ишлар бошлаб юборилди ва қисқа вақт ичида Бухоро шаҳар марказида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда «Санжар-Аслиддин» қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбиркорлиkning бу йўналишида озми-кўпми тажриба тўплаган Ёқуб Набиевнинг ишлари тезда қоришиб кетди. Дастлаб 2-3 турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилган корхона ички бозорда ўз ўрнини топти. Энг асосийси, уларнинг сифати ва нархи мижозларнинг талабига мос келарди. Шундан кейин аҳоли томонидан ҳам буюртмалар туша бошлади. Талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда корхонада иш қўлами ҳам, маҳсулот турлари ҳам кўпайиб борди.

Бугунги кунда қўшма корхонада 15 киши меҳнат қилади. Бу ерда уй, ошхона, ётоқхона, болалар хонаси, офис, ресторанлар учун юмшоқ ва металл мебеллар ишлаб чиқарилади.

Ўтган йили корхона ўз фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида молия муассасалари билан ҳамкорлик қилди. Ҳамкорбанининг вилоят бўлими томонидан ажра-

тилган 100 миллион сўм маблағ ҳисобига янги технология харид қилди. Корхонанинг технологик жиҳатдан янгиланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражасини янги босқичга кўтариш имконини берди.

— Келгусида корхонамиз учун янги замонавий бина қуриш ниятимиз бор, — дейди тадбиркор. Албатта, бу ниятларимиз ҳам яқин йиллар ичида амалга ошади. Чунки мустақил юртимизда биз каби тадбиркорлар учун, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот ҳажми ҳамда сифатини ошириш, маҳаллий аҳоли, айниқса, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш борасида барча зарур қўлайликлар яратиб берилмоқда.

Ҳа, тадбиркор ҳақ гапни айтди. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга эркинлик ва қўлайлик яратиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу каби амалий ишларнинг самараси ўларок, юртимизда яхши маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркорлик субъектларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораёпти.

Ҳамро АКИЕВ,
журналист

Муқобил энергия манбалари бозори

партиямиз амалий ишларининг яна бир эътирофи

Семинар

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётга замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни жадаллаштириш ва шу орқали энергия тежамкорлигига эришиш ҳамда иқтисодий самарадорлиқни оширишга муҳим эътибор қаратилиб, бу борода бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг «Ўзбекистон миллий иқтисодиётини пастуглеродли ривожланиши йўлига ўтишда қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида «Ўзбекистонда биогаз бозорини ривожлантиришнинг йўл харитаси» номли семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, БМТД мутахассислари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда тегишли вазирлик ва идора раҳбарлари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда биогаз қурилмалари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, қайта тикланадиган энергетика тармоғини рағбатлантириш ва молиялаштиришни ривожлантириш, Республикаимизнинг барча қишлоқ жойларида биогаз қурилмаларини татбиқ қилишга кўмак берувчи комплекс ёндашувларни қўриб чиқишга доир масалалар атрофича таҳлил этилди.

Давра суҳбатида ташкилотчилар томонидан лойиҳа доирасида тайёрланган биогаз технологиялари тармоғини ривожлантириш бўйича тавсиялар тақдим қилинди. Намойиш этилган тақдиротлар хомашёнинг ҳар хил турларидан фойдаланган ҳолда биогаз қурилмаларининг муқобил турларини қамраб олишга қаратилди. Биогаз қурилмаларини ишлаб

чиқарувчилар ва ундан фойдаланувчиларнинг чиқишлари, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Улар Ўзбекистоннинг турли худудларида биогаз қурилмаларини татбиқ қилиш бўйича ўзларининг амалий тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши кўмаги билан амалиётга жорий қилинган биогаз қурилмаси ҳақидаги маъруза иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида мамлакатимизда муқобил, қайта



тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, уни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаш тартиби, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш меҳа-

низмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари партиянинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Зеро, мазкур соҳа ривожининг бевосита аҳоли турмуш сифати ва даражасининг ошишига хизмат қилиши айнан партиянинг электорати манфаатларини ҳимоя қилиш

бил энергия билан таъминлаш, қолаверса, ушбу қурилмалар ишлаб чиқараётган биогазнинг атроф-муҳитга таъсири камлиги сабабли экологини асраб-авайлашда ҳам катта ютуқларга эришишимиз мумкин. Ушбу қурилма бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий негизи бўлган тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, қурилмадан тўла-тўқис тадбиркорлик йўлида фойдаланиш мумкин. Қурилманинг яна бир афзаллиги уни сотиб олиш мақсадида банклардан олинган кредитлар учун гаров бўла олишидир. Ҳозирда партиямиз фаоллари ва депутатлик гуруҳи бу каби қурилмалар учун кредитлар ажратиш масаласида тижорат банклари билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида қатор тақлифлар билан чиқишмоқда.

Мазкур биогаз қурилмасидан узоқ муддат фойдаланиш мумкин. Ҳажмига қараб суткасига 75 м³ дан 500 м³ гача газ ва 1,7 тоннадан 6 тоннагача биоуғит олиш имкониятлари тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу қурилманинг яна бир муҳим афзаллиги унинг тўла маҳаллий хомашёдан тайёрланиши ва шу-

борасидаги дастурий мақсадларига мос келади.

Бу борода, айниқса, биогаз ва биоуғит қурилмасини саноат миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани диққатга сазовордир.

Мазкур қурилмани ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали нафақат республикамизнинг газ ресурсларини тежашимиз, балки чекка худудлардаги аҳоли пунктларини муқо-




нинг ҳисобига таннархининг арзон бўлишидир. Ҳозирда ушбу қурилмани янада такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилаёпти.

Семинар иштирокчилари биогаз қурилмаларининг ҳар бир фермер хўжалиги ёки хонадонлар учун имконият даражасида бўлиши, давлат кўмаги, молиялаш, стандартлаштириш, ишлаб чиқариш, ўқитиш ва тарғибот ишлари масалалари юзасидан ҳам фикр алмашишди.

Тўплаган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, агар маҳаллий шароитда ушбу қурилмаларни ишлаб чиқариш ва ускуна-ни стандартлаштириш масаласи ҳал қилинса, уни татбиқ қилиш анча жадал ва янада кенгрок қўламда амалга ошарди. Биогаз қурилмасини татбиқ этишга қодир малакали кадрларнинг йўқлиги, қишлоқ аҳолиси хабардорлигининг сустлиги ҳам қурилмани татбиқ қилишда жиддий тўсиқ бўлаётганлиги таъкидланди.

Семинар якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилоят Кенгаши
матбуот хизмати

Ким кимга овоз беради?

Дунё эътибори АҚШда бўлиб ўтадиган президентлик сайловларига қаратилган. 300 миллиондан зиёд фуқароси бўлган Америка Қўшма Штатлари ўзининг 45-президенти сайлашга тайёргарлик кўрмоқда

Жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий жиҳатдан энг қудратли мамлакатларидан бирида бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий тадбир ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Сайлов шу йилнинг 6 ноябрга белгиланган. Ҳўш, унда ким ғолиб бўлади? Республикачи Митт Ромни ҳокимият тепасига келадими ёки демократлар етакчиси Барак Обамами?

Мамлакат аҳолиси ўртасида ўтказилаётган турли ижтимоий сўров натижалари номзодларнинг имкониятлари деярли бир хил эканлигини кўрсатмоқда.

Аввал хабар қилганимиздек, АҚШ президентлигига икки асосий номзод ўз тарафдорларига сайловолди дастурларини тақдим этиб бўлишган. Республикачи Митт Ромни террорга қарши кураш ишини давом эттириш, Америкага ҳавфсиз ҳаёт олиб келишни ваъда қилаётган бўлса, амалдаги президент Барак Обама фуқароларни кучли Америка ва чуқур ўйланган ташқи сиёсатни, мамлакатни иқтисодий ва молиявий тушунлиқ домдан олиб чиқишга ишонтирмоқда. Аммо номзодлар қандай ваъдаларни илгари суришларидан қатъи назар, биринчи навбатда, АҚШнинг миллий манфаатлари улар учун устувор туради. Қолаверса, Оқ уйнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда Конгрессдаги кучлар нисбати, жамоатчилик фикри, оммавий ахборот воситаларидаги мавқеи, лобби ташкилотларининг фаолияти ва бошқа бир қатор оммалар таъсир кўрсатади.

Бугун АҚШда Россия ва Хитойга нисбатан муносабатда қатъий мавқеи ишлаб чиқиш тенденцияси кузатилаётган. Республикачилар номзодининг ғалабаси ана шу кайфиятнинг кучайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, қудратли мамлакатда давом этаётган чуқур молиявий ва иқтисодий инқироз, ўй-ҳой бозоридagi бўҳрон, мамлакат ички ва ташқи қарзининг 1 трлн. доллардан ошгани билан боғлиқ муаммолар бу сафарги сайловда ҳам кун тартибига чиққан асосий мавзулардан бўлди.

Энг муҳими — Барак Обама рақиб Ромнидан кўра мулоҳазалроқ, оғир-босиқ ва ғайратлироқ экани телебаҳсларнинг иккинчи босқичида кўзга ташланиб қолди. Таҳлилчилар фикрига кўра, Оқ уйнинг ҳозирги раҳбари Обама 3 октябрь кунги биринчи баҳс-ни бой берган. Нью-Йорк штатидаги Хофстр университетидеда АҚШ президентлигига номзодлар Барак Обама ва Митт Ромни ўртасида сайловолди телевизион мунозаранинг иккинчи раунди бўлиб ўтди. Янги иш ўринларини яратиш ва мамлакат энергетик мустақиллиги ҳақида баҳслашар экан, иккала номзод ҳам бир неча бор бир-бирининг сўзини бўлди. Амалдаги президент Митт Ромни оддий америкаликлар эмас, балки нефть ширкатларининг манфаатини ҳимоя қилишда айблади. Телевизион баҳсда рақиблар қайси номзодни қўллаб-қувватлаш ҳақида аниқ бир қарорга келмаган 80 нафар сайловчиларнинг ички ва ташқи сиёсат ҳақидаги саволларига жавоб берди.

Америкада президентлик сайловига бор-йўғи 17 кун қолган бўлса-да, сайловолди курашларида кимнинг қўли аққол баланд келаятгани аниқлангани йўқ. Демократлар партиясидан номзод бўлган амалдаги президент Американинг 9 та штатида кичик устуликни сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Келгуси тўрт йил давомида АҚШ президенти ким бўлиши айнан шу штатлар аҳолиси қарорига боғлиқ бўлади.

Айтиш жоиз: сайловолди кампанияда ҳар икки номзод ўртасидаги тортишувлар асосан мамлакат ички муаммоларига қаратилганини ҳисобга олсак, бугун америкалик сайловчилари ташқи сиёсатдан кўра иқтисодиёт ва молия масалалари кўпроқ қўйиётгани ойдинлашади. Америка тушиб қолган бугунги ҳолатдан қандай қилиб чиқиш йўллари аниқроқ ифодаб бергани учун телетомошабинлар ва сайловчиларнинг аксарияти иккинчи телебаҳсда Барак Обама томонига ўтиб кетди.

Ҳўш, бу иккала номзод Америка халқига нисбатан ваъда бергани-ю, қайси масалаларда бир-бирига қарши чиқишмоқда? Уларнинг айрим йўналишлар бўйича платформаси билан таништириб ўтсак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

1. Иқтисодиётни жонлантириш сайловчилар учун ўта муҳим мавзулардан биридир. Гап шундаки, АҚШда сўнгги йилларда ишсизлик кўрсаткичи 8 фоиздан ошди.

а) Обама ҳокимият тепасига келган, иқтисодиётни турғунликдан олиб чиққан бўлса-да, асосий муаммолар ҳал бўлмади. У ишлаб чиқариш ва экспортни қўллаб-қувватлаш орқали иш жойлари ташкил этиш, ишчи мутахассисларни қайта тайёрлашга ургў бермоқда. Унинг инфратузилмани яхшилаш бўйича харажатлар дастурининг ўзи бир миллиондан икки миллион нафарга яқин иш жойини яратишни кўзда тутди. Обама, шунингдек, АҚШда иш ўринларини очган компанияларга солиқ имтиёзлари ваъда қилмоқда.

б) Ромни бизнесмен сифатида иш яратишда катта тажрибга эга эканлиги билан мунтазам гуруҳларни бағирлади. У иш ўринларини яратиш учун икки томонлама савдо шартномаларини қўллаб-қувватлаш, давлат бюджетини мувозанатлаштириш, корпоратив солиқларни 35 фоиздан 25 фоизга тушириш керак, деб ҳисоблайди.

2. Солиқ. Америкаликлар қанча солиқ тўлаши керак? Ушбу савол ҳар бир америкалик, ҳар бир тадбиркорни ўйлантираётган жиддий масалалардан ҳисобланади.

а) Обама бойлар учун даромад солигини оширишни ният қилган. Унинг фикрича, улар ўз даромадининг камиди 30 фоизни давлат газасига ўтказиши керак. У, шунингдек, корпоратив солиқ ставкасини 35 фоиздан 28 фоизга туширишни мўлжалламоқда.

б) Ромни ҳам солиқ ислохотларини ният қилган бўлиб, у корпоратив солиқ ставкасини 35 фоиздан 25 фоизга камайтириш, йиллик даромади 200 минг доллардан ошмайди деган оилалар учун фоизлар, дивидендлар ҳамда капитал жамғармаларни солиқдан озод қилишни ваъда қилмоқда.

3. Соғлиқни сақлаш. Президент Обама даврида амалга оширилган соғлиқни сақлаш ислохоти 1965 йилдан кейинги энг йирик ислохотдир. Гарчи мазкур қонун қабул қилинган, қолаверса, Конституциявий суд томонидан қўллаб-қувватлашга эришилган бўлса-да, республикачилар у инсоннинг конституциявий ҳуқуқларига зид, деб қарашади.

а) Обама учун ушбу ислохотнинг амалга оширилиши, Конституциявий суд томонидан қўллаб-қувватлашга эришилган бўлса-да, республикачилар у инсоннинг конституциявий ҳуқуқларига зид, деб қарашади.

б) Митт Ромни гарчи Масачусетс штатининг губерн

тори бўлган пайтларда худди шундай ислохотни амалга оширган бўлса-да, имконсиз одамларга тиббий суғурта бериш ёки бермаслик федерал ҳукуматнинг иши эмас, балки штатларнинг вазифаси, деб ҳисоблайди. У президент этиб сайланган тақдирда ушбу қонунни тўхтатишга ваъда бермоқда.

4. Аборт. Туғишни назорат қилиш. Ушбу масала ўн йиллар давомида АҚШ жамиятида энг кўп муҳокама қилинган масалалардан. 1973 йилда АҚШ Олий суди абортни Америка ҳудудида қонуний, деб топган.

а) демократлар танлаш ҳуқуқи тарафдори бўлиб, туғиш ёки туғмаслик инсоннинг конституциявий ҳуқуқи, деб эътироф этишади. Барак Обама абортни легаллаштириш тарафдори бўлиб, аёллар репродуктив муҳофаза қилиниши керак, деб ҳисоблайди.

б) Республикачилар, шу жумладан, Ромни ҳар бир чақалоқ туғилиши керак, деган ғоя тарафдори. У инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жамият қадриятларига зид, деб ҳисоблайди.

5. Муҳожирилик. 2011 йил якунларига кўра, АҚШда 11,5 миллион нафардан зиёд муҳожирил бор. Аммо кейинги пайтларда иммигрантлар масаласи Америка жамиятининг энг кўп муҳокама этиладиган мавзуларидан бирига айланди.

а) Обама қонуний иммигрантларни қонунийлаштириш, уларни фуқаролик бериш билан рағбатлантириш тарафдори. У президентлик мuddатининг илк даврида DREAM қонунини илгари сурган эди. Бу қонун АҚШга ёшлигида келиб қолган, таълим олган, ҳарбий хизматни ўтаган шахсларга Америка фуқаролиги берилишини кўзда тутарди. Аммо бу қонун Конгрессда тўхтаб қолди. Кейинчалик Обама ёш муҳожирилари мамлакатдан депортация қилишни вақтинчалик тўхтатиб қўйди.

б) Ромни эса DREAM қонунига қарши чиққан, қонуний иммигрантларнинг фуқаролик олишига ҳам шундай муносабат билдиради. У АҚШ ва Мексика ўртасидаги чегарада тўсиқ ўрнатиш тарафдори, шунингдек, қонуний иммигрантларни ишга ёллаган компанияларга нисбатан жарима қўллаш керак, деб ҳисоблайди.

6. Қурол-яроғ назорати. 2012 йил 20 июлда Колорадодаги кинотеатрда юз берган отишма, яъни қуролланган шахс томонидан 12 кишининг ўлдирилиши АҚШ жамиятида қурол-яроғнинг эркин сотилишига қарши баҳс-мунозараларнинг янада кучайиб кетишига олиб келди.

а) Обама ўзининг биринчи мuddати давомида ва ундан олдин ҳам одамлардан қурол-яроғни йиғиштириб олишга қарши эканлигини ва Конституциянинг иккинчи тузатишини ҳурмат қилишини айтган. У учун қурол-яроғни назорат қилиш асосий йўналишлардан эмас.

б) Ромни эса қурол-яроғни тақиқловчи ҳар қандай қонунга қаршилик кўрсатишини айтиди. У ҳатто қурол-яроғ ишлатувчилар жамоатчилиқ ташкилоти аъзоси ҳамдир.

7. Икки етакчи партия ўртасида мунтазам муҳокама қилиб бориладиган яна бир масала — мамлакат қарзи ва бюджет тақчиллиги масаласидир. Ҳозирги кунда АҚШнинг давлат қарзлари 10 триллион доллардан кўп бўлиб, агар ҳокимият тепасига келадиган кучлар тегишли чоралар кўрмаса, 2013 йилга бориб, давлат бюджети қарзи 11 триллион доллардан ошиб кетиши мумкин.

а) Обама томонидан илгари сурилаётган дастурга кўра, сўнгги ўн йилликда АҚШ умумий миллий қарзи 4 триллион долларга қисқариши керак. Бунга йирик ҳукумат дастурларига йўналтирилаётган ортқча маблағларни қисқартириш ҳамда Жорж Буш даврида аҳолининг бой қатлами учун жорий этилган солиқ имтиёзларини бекор қилиш орқали эришмоқчи. Шу билан бир қаторда, давлат қарзини Афғонистондан ўз ҳарбий контингенти олиб чиқиш, шунингдек, фермерларга йўналтирилаётган субсидияларни тўхтатиш воситасида узмоқчи.

б) Митт Ромни эса федерал харажатларни 2016 йилга бориб 24,3 фоиздан 20 фоизга туширмоқчи. У давлат харажатларини Обама илгари сурган соғлиқни сақлаш ислохотларини тўхтатиш, бир қатор ижтимоий лойиҳаларнинг молиявий асосларини камайтириш орқали ўз мақсадида эришмоқчи.

8. Ташқи сиёсат. Ижтимоий сўровлар шуни кўрсатдики, америкаликлар ташқи сиёсатга у даражада катта эътибор қаратишмайди. Демократлар ташқи сиёсатда урушдан кўра, дипломатияни устун қўришса, республикачилар бунга оғир оғирлиқ билан сифатида эътироф этишади.

а) Обаманинг ташқи сиёсати: Афғонистон: 2014 йил охирига қадар ушбу мамлакатдан чиқиб кетиш ҳамда толиблар билан музокара олиб бориш; Хитой: Жаҳон савдо ташкилати доирасида Хитойга нисбатан турли ҳуқуқий ва бошқа чораларни кўриш; Эрон: ядровий қурол яратилишига тўсиқ қилиш, ушбу муаммоларни иқтисодий санкциялар ва дипломатия йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилиш; Исроил-Фаластин: Обама Қуддусдаги Исроилнинг пойтахти сифатида тан олади, аммо бу масала Фаластин ва Исроил ўртасида муҳокама этилиши керак, деб ҳисоблайди. У икки давлат чегаралари 1967 йилги ҳолатга қайтиши тарафдори.

б) Ромни. Афғонистон. 2014 йил охирига қадар ҳарбий кучларни олиб чиқиб кетади, аммо толиблар билан музокара олиб бормайди; Хитой: Ушбу давлатга нисбатан "валюта манипулятори"дек муносабатда бўлади ҳамда Хитой америкаликларнинг иш жойини тортиб олмоқда, деб иш

нади; Эрон: Ядровий қурол яратилмаслиги учун фақат сўз билан эмас, балки бошқа саъй-ҳаракатлар бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Исроил-Фаластин: Обаманинг қарашларини қўллаб-қувватлайди — икки давлат музокара йўли орқали келажакка интилиши лозим.

Иккала номзод, шунингдек, миллий ҳавфсизлик, ижтимоий сиёсат, федерал ва штатлар муносабатлари бўйича ҳам ўз қарашларига эга.

Маълумки, АҚШ дунёда саноати энг ривожланган мамлакат. Аммо бу ерда ишчилар манфаатини ҳимоя қилувчи Социалистлар ёки социал-демократлар партияси йўқ. Бунинг сабаби нимада? Шимолий Каролина университети профессори Гери Маркс бунга жамиятда давлат ролининг сустиги билан изоҳлайди:

— АҚШ бошқаларга ўхшамайдиган ўзига хос демократияга эга. 1776 йил Британия мустамаккасида озод бўлгандан бери чекланган ҳукумат, ижтимоий фаоллик, ўзига ишонч ва тенглик Америка эътиқодига айланган. Тўғри, биринчи жаҳон уруши арафасида Америка шахарларидаги оғир иш шароити боис мамлакатда социализм тарафдорлари кўпайди. 1912 йилги президент сайловларида, ҳатто Социалистлар партиясидан номзод Южин Дебс сайловларда иштирок этиб, сайловчиларнинг олти фоиз овозини қозонди. Қўллаб-қувватлашга юзлаб социалистлар ҳукумат идораларига сайланди. Аммо партиянинг ўз муаммолари бор эди. Социалистлар кичик партия эди. Касаба уюшмалари эса социалистлардан кўра иш ҳақини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш масаласида демократ ва республикачилар билан ишлар эди.

Жонс Хопкинс университетида Америка ҳукуматини ўрганиш маркази директори Бен-жамин Гинзбергнинг айтишича, ишчиларни сиёсатдан кўра иқтисодий масалалар кўпроқ қизиқтирарди.

— Буюк тушунлиқ ва иқтисодий инқироз даврида ишчи партияларини тузишга имкон туғилгандек бўлди. Аммо Франклин Рузвельт президентлигига келиб, "Янги келишув" номидаги коалиция тузиши билан ишчилар қатлами Демократик партиядан жиддий кунга айланди. Касаба уюшма етакчилари улардан ахралиб, мустақил ҳаракат қилишдан бирор наф бўлмаслигини тушуниди. Аслида ҳар икки партия тизими доирасида ишчилар уюшмалари фаол бўлган. Бироқ буюк турғунлик давридан бери ишчилар, одатда, демократларни қўллаб-қувватлаган. Чунки мазкур партия сўл қарашларга эга одамларга кучоғини очди.

Хуллас, АҚШда Республикачилар ва демократлар ўртасида кураш қизгин паллага кирган. Ким кимни сайлайди? Тез орада бу саволнинг жавобини оламиз...

Қаҳрамон ҚҲҲОШЕВ

Шамол бағридаги бемисл қувват

Карнеги илмий-тадқиқот Институт (Вашингтон, АҚШ) олимлари шамолдан олиш мумкин бўлган энергиянинг умумий миқдорини ҳисоблаб чиқишди. Шунингдек, шамол турбиналари катта баландликда сайёра иқлимига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳам аниқланди.



Маълум бўлишича, сайёра-миздаги шамол энергияси бутун инсониятнинг энергияга бўлган жами эҳтиёжини қондиришга етарли экан. Атмосферанинг анча юқори қатламида шамол кучлироқ ҳамда доимий бўлиб, бу жойдан янада катта миқдорда энергия олиш мумкин.

Ер юзасидаги шамоллардан энергия қурилмалар ёрдамида ҳосил қилинади. Атмосферадаги шамолдан эса катта миқдордаги энергия махсус варрак ва турбина технологияларини бирлаштирган ҳолда олинади, деб хабар қилади GlobalScience.

Олимлар томонидан яратилган моделлар ёрдамида ер юзасидаги шамол инсониятни 400 тераватт энергия билан таъминлай олиши, атмосферада эса бу кўрсаткич 1800 тераваттдан кўпроқ эканлиги ҳисоб-китоб қилинди.

Холбуки, бугунги замонавий цивилизация бор-йўғи 18 тераваттга яқин энергия истеъмол қилади. Демак, фақатгина ер юзасидаги шамоллар бутун инсониятга керак бўлган энергия миқдоридан 20 баробар ортқ энергия етказиш имкониятига эга! Махсус ясалган варракка ўрнатилган турбиналар эса, мавжуд эҳтиёждан кўра 100 баробар ортқ энергия тўплаб бера олади.

Шамол энергиясини махсус мал даражада йиғиш сайёра-мизда маълум даражада салбий иқлим оқибатларини келтириб чиқариши эҳтимоли ҳам мавжуд. Аммо ўтказилган тажриба шуни кўрсатдики, сайёрамиз эҳтиёжидан ортқ бўлмаган энергияни тўплаш иқлимга таъсир қилмайди. Бунинг учун шамол турбиналари бир неча минтақалардагина эмас, балки ер юзаси бўйлаб мутаносиб жойлаштирилиши зарур.

Дунёдаги энг тезкор болалар аравачаси

Стамфордлик (Линкольншир, Англия) чилангар Колин Ферз бир ойлик фарзанди учун соатига 50 километр тезликда ҳаракатлана олиши билан лол қолдирувчи энг тезкор аравачани яратди. 33 ёшли ота ёқилгиди ҳаракатланадиган уч гидиракли транспорт воситасига мотоцикл мотори ўрнатган.



Аравача тўртта тезликка эга бўлиб, бу баландликка эн-

гил кўтарилиш имкониятини беради. Гидирак остига ўрнатилган мотоцикл двигатели аравачани лойиҳалаштириш ва яратишга тўрт ҳафта вақт кетиб, унга 450 фунт стерлинг сарфланди. Шу билан бирга, ихтирочи акселератор (двигатель цилиндрларига келадиган ёнилғи миқдорини ростлаб турувчи қурилма) тепкиси, тезликни назорат қилиш учун тормоз ва махсус бошқарув тутқичларини ўрнатган.

150 миллион ёшли топилма

Ла-Маншнинг шимолий қисмидаги Солент бўғози (Англия жануби)да балиқчилар тўрига тасодифан тушиб қолган бохайбат денгиз моллюскиси Портсмут портидаги «Blue Reef Aquarium» аквариумида олимлар тадқиқот олиб боришлари учун топширилди.

Мутахассислар унинг ичида улкан марварид бор-йўқлигини аниқлаш учун магнит-резонанс томография сканеридан ўтказишди. Текшириш натижасида моллюскада думалоқ объект борлиги аниқланди. Топилма ақлга сиймайдиган даражада қиммат туриши кутилмоқда.

Жуда қадимий, тахминан 150 миллион йил бурун яшаб ўтган моллюсканинг ёши унинг совутидаги йиллик халқалар орқали аниқланди. Халқаларнинг саног 200 дан ортқ бўлган. Бу эса унинг моллюскалар ўртасида энг узок сақланиб қолганлигини исботлайди. Моллюсканинг эми 18 см, йўғонлиги эса 8 см эканлиги унинг оддий моллюскалардан ўн баробар катталигини кўрсатади. Бун-



дай катталиқдаги моллюска ичида гольф тўпи баробаридаги дур бўлиши мумкин. Бунга аниқлаш учун эса топилмани очиш талаб этилади. Аммо «Blue Reef Aquarium» ташкилоти моллюска бағридаги сирли буюмининг олинишига қарши бўлмоқда. Чунки бу қадимий моллюсканинг шикастланишига олиб келиши мумкин.

Банк нархи 1 евро

Активлари сони бўйича учинчи ўринда турувчи Франциянинг Credit Agricole банки ўзининг грек банки Emporiki Bank активларини Грециядаги бошқа кредит ташкилоти Alpha Bankка сотишга рози бўлди. Шартнома рамзий ҳусусиятга эга бўлиб, банк нархи атиги 1 еврога ташкил этади.



Икки тарафлама шартнома йил охиригача имзоланади. Унинг шарти бўйича, француз банки Alpha Bankнинг 150 миллион евролик облигацияларини сотиб олиши керак.

Emporiki Bankни сотиб, Франциянинг Credit Agricole

банки ўзининг Грециядаги олти йиллик инвестиция дастурини ўз ниҳоясига етказди. Ташкилот иқтисодий депрессия шартларида ҳамда еврозонани тарқ этишга яқин турган мамлакатнинг келажақдаги истикболидан хавотирда.

Шу билан бирга, французлар Грециянинг Марказий банки илтимосига биноан Emporiki банкни 2,3 миллиард евро маблағ билан таъминлади.

Credit Agricoleнинг грек банкдан кўрган жами зарари 5,7 миллиард еврога ташкил этади.

Феруз ЖҲҲАЕВ тайёрлади

Сўнгги саҳифа

Юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

◀ Даъими. Боши 1-бетда

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида мамлакатимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди тарбияланмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия захиралари коллежлари, футбол мактаблари ва академиялари фаолиятининг замон талабларига мос йўлга қўйилгани бунда муҳим омил бўлаётди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2010 йили Тошкентда ўтган футбол бўйича Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида йўлланма олган, Мексика майдонларидаги аjoyиб ўйинлари билан барчамизни қувонтирган эди.

Бу йил Эронда ўтказилган Осиё чемпионатининг финалида Япония вакиллари 4:2 ҳисобида енган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2013 йили жаҳон биринчилигида энди Осиё чемпиони сифатида тўп суратган бўлди.

2013 йилда Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида йўлланма берувчи ягона турнир — Осиё чемпионатида ишончли ғалабалари билан минглаб мухлис мутахассислар эътиборини қозongan ёш футболчиларимизга пул мукофоти ва эъдалик совғалари топширилди.

2007 йили Туркияда ва 2010 йили Аргентинада ўтган жаҳон чемпионатларида ғолиб бўлган Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси бу йил Россиянинг Калининград шаҳри меҳмонлигида қилган жаҳон чемпионатида ҳам юксак ирода, жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди.

Президентимизнинг фармониغا мувофиқ футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Маросимда терма жамоа мурраббий Мавзурхўжа Умархўжаевга "Дўстлик" ордени, терма жамоа аъзолари — Нуриддин Турсунов ва Ҳасимжон Ҳасановга "Жасорат" медали, терма жамоанинг барча аъзоларига пул мукофоти топширилди.

Спортчилар мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатётган доимий эътибори учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этиб, бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда Ватанимиз байроғини янада юқори кўтаришга интилишини алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбасари А.Икромов иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбирлари

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси туман автокорхоналарининг чиқинди ташувчи махсус автотранспорт воситалари учун 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган ҳайдовчи ҳамда юк ортувчиларни ишга таклиф этади.

Иш шaroити сменали.

Ўртача ойлик маош ҳайдовчилар учун 800 000 сўм, юк ортувчилар учун 700 000 сўмини ташкил этади.

Шунингдек, «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси бошқарма автокорхоналарига аҳоли билан ишлаш бўйича назоратчи вазифасига ҳам ишга таклиф этади.

Ойлик маош: мукофотли-ишбай.

Маълумот учун телефонлар:
247-45-56, 247-25-99, 247-02-11, 247-06-70.
Манзил: Утчена тумани, Бекобод саноат зонаси.

Производственное управление «Махсустрас» города Ташкента приглашает на работу в районные автопредприятия водителей со стажем не менее 3-х лет и грузчиков на мусоровозные машины.

Средняя заработная плата: для водителей 800 000 сум, для грузчиков 700 000 сум.

Также приглашает на работу контролеров по работе с населением.

Заработная плата: премиально-сдельная.

Телефоны для справок:
247-45-56, 247-02-11, 247-25-99, 247-06-70.
Адрес: Утченский район, промзона Бекобод.

ЭЪЛОН

"Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар (Самарқанд, Наманган, Бухоро вилоятларидан ташқари) бўйича ўз мухбирларини танлов асосида ишга таклиф этади. Танловда иштирок этишни истаган журналистлар ўзлари ҳамда ижодий ишлари ҳақидаги маълумотларини adolat_gazeta@mail.ru электрон почтасига юборишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
288-42-20, 288-46-64.

Феруза САБИТОВА:

“Ҳаммасига ўз кучим ва меҳнатим эвазига эришдим”


◀ Даъими. Боши 1-бетда

— Феруза опа, нима учун айнан санъат соҳасини танлагансиз, ақинларингиз қаршилик билдиришмагани?

— Ота-онам санъатни севувчи, ижодкорларни ҳурмат қилувчи инсонлардир. Онамнинг эслашича, болалигимдаёқ уларнинг рўмолларини бошимга ўраб, ўзим қўшиқ хиргойи қилиб, завқланиб рақсга тушар эканман. Шу сабабдан бўлса керак мени Бухородаги музика мактабига етаклаб олиб боришган. 1996 йил шахримизга Соҳибқирон Амир Темури ҳақида ҳужжатли фильм суратга олиш жамоаси ташриф буюриб, коллежимиздан фильмда эпизодик — канизак ролини талқин қила оладиган қизни қидиришганди. Қўлаб қизлар ичида мени танлашди. Шу вазият менга туртки вазифасини ўтаб, актриса бўлиш мақсадида ўша йилиёқ Тошкент давлат Санъат институтининг актёрлик, драма ва кино факультетига ўқишга кирдим. Бироқ ота-онам актриса бўлишимга қаршилик билдиришди. Оқибатда институтнинг биринчи курсидан сўнг ўқилишни ташлаб Тошкент давлат Иқтисодиёт университетида кирдим. Ўзимни моддий таъминлаш мақсадида ҳам ўқиб, ҳам ишлашимга тўғри келди. Фаолиятимни бир ташкилотнинг кассирлигидан бошлаган бўлсам, бориб-бориб бош директор лавозимига кўтарилдим. Ҳаммасига ўз кучим ва меҳнатим эвазига эришдим. Бироқ "мен актриса бўлишим керак", деган фикр мени тинч қўймасди ва мен ўз ҳақимдаги маълумот, суратларимни бир папкага йиғиб, бир неча режиссёрларга жўнатдим. Шундай қилиб, мени салкам ўн йиллик танаффусдан сўнг 2006 йилда "Суратдаги сир", "Қайдасан, муҳаббат" фильмларига таклиф қилишди.

Демоқчиманки, инсон ёшлигиданоқ касб танлашдаги мақсадини аниқ қўй билиши жуда муҳим. Фикримча, инсонга ўзи танлаган касбининг машаққати ҳам ўқинчи, енгилдек туюлади.

— "Адолат" социал-демократик партияси ақинда "Муштакам онла йили" Давлат дастури



доирасида ўз аъзолари ўртасида "Оқила аёл — муштакам онла яратувчиси" кўрик-танловини эълон қилди. Сизнингча, оқила аёл қандай фазилатларга эга бўлиши лозим?

— Оқила аёл деганда, аввало ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилувчи, ўзи ва яқинларининг ташқи ва ички дунёсига аҳамият берувчи ҳамда оилада ҳам, ишда ҳам ўз ўрнига эга, ҳар қандай мавзуда суҳбатлаша оладиган фаҳм-фаросатли аёлларни кўз олдимга келтираман. Аёл ҳамиша аёллигича қолиши лозим. У уй бекаси бўладими, хоҳ раҳбар сифатида фаолият юритадими, бунинг аҳамияти йўқ. Аёл доимо оғир-босиқлик билан, зақоват ва иродаси билан ҳар қандай чигал вазиятдан чиқа олиши керак.

"Адолат" партиясининг ушбу ташаббусини эшитиб, хурсанд бўлдим ва партияга ҳурматим ошди. Шу пайтга қадар бирон-бир сиёсий партияга аъзо эмасман. Бироқ яқин келажақда бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш ниятим йўқ эмас.

— Хорижлик кино ижодкорлари билан ўрнатган ҳамкорлигингиз тўғрисида тўхталсангиз.

— Шу пайтгача Ҳиндистоннинг машҳур актриси Жон Абдрахам билан "No smoking" ("Чекиш тақиқланади") номли ва Россия кино маҳсулотини "След саламандры" ("Саламандра изи") фильмларида роль ўйнадим. Лекин уларнинг аксариёти билан суҳбатлашганимда, Ўзбекистондан бошқа бирон-бир мамлакатда кино, маданият соҳасига қаратилаётган эътибор бундай юксак даражада эмаслигини бот-бот таъкидлашганди. Яқинда ўтказилган "Олтин Гепард" халқаро кинофестивалида ҳам, "Art style.uz" маданият ҳафталигида ҳам хорижлик ҳамкасбларимизнинг хайратларига гувоҳ бўлдим. Бу эса, биздан мавжуд имкониятдан самарали фойдаланишни ва ишимизга янада масъулият билан ёндашишни талаб этади.

— Сизни машҳур қилган ролнинг асираси бўлиб қолишдан қўрқмайсизми? Келажақда қайси қаҳрамоннинг ролини

талқин қилишни хоҳлардингиз?

— Албатта, биргина таниқли ролидан ҳаволаниб кетиб, ўз устидан ишламаган санъаткор ўсиш ўрнига, ортга қадам ташлаган ёки фаолиятини тўхтатган билан баробар. Ўзининг ишидан қониқмай, доимо изланиб, ўқиб-ўрганиб ишлаган санъаткорни ҳақиқий санъат устаси, деб ҳисоблайман. Менга, кўпинча салбий қаҳрамонни ўйнашни таклиф қилишгани билан аслида комедия йўналишидаги ёки тарихий фильмлардаги қаҳрамонларни ҳам талқин қилишни ўйлаб юраман. Масалан, машҳур аёллардан — Тумарис, Кармен образларини очиб бериш тўғрисида таклифлар тушса рад этмасдим.

— Ўзингизни бахтли аёл деб ҳисоблайсизми?

— Албатта. Бу йил орзуимга эришиб, оналик бахтини ҳис қилдим. Юрган йўлимда ҳам, ўтирган ўрнимда ҳам 8 ойлик ўғлим Имронхоннинг бугуни ва келажагини ўйлайман. Бугун кичкинагина, келажакда тўлиқ шаклланадиган шахснинг тақдирини сизнинг тарбиянгизга боғлиқ эканлигини билиб умр кечиришдан ортқ бaxт бўлмаса керак. Қолаверса, турмуш ўртоғим ҳам мени тўғри тушуниб, доимо қўллаб-қувватлаши мени янада хурсанд қилади. Шўқри, онам — Тўхтагул ая ҳам ҳаёт ва соғ-саломатлар. Бир инсоннинг бахти бундан ортқ бўлмаса керак.

— Ҳозирда нима ишлар билан бандсиз? Қайси фильмда суратта тушмоқдасиз?

— Яқиндагина Дилмурод Масаидовнинг бир продюссер аёл қисмати тўғрисидаги "Қўтилмаган кўнгирок" фильмининг якунлади. Ҳозирда бир неча тақлифларни қўриб чиқаямман.

— Актриса бўлишни истаган қизларимизга тилак ва маслаҳатларингиз...

— Актёрлик машаққатига чидаб, ўз устидан ишлаш оладиган ва энг муҳими, ўзига ишонган истеъдодли қизларимизга айтадиган маслаҳатим — доимо олдинга қараб, аниқ мақсад сари интилавериш керак. Санъатни астойдил севган инсон, албатта, ўз йўлини топади.

Саодат СОДИҚОВА
суҳбатлашди

Гуллар байрами

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши ва Ўлкашунослик музейи ҳамкорлигида "Гуллар, азиз Самарқанд!" гуллар байрами экологик тадбири ташкил этилди.



Гулзорга айлансин гўзал шахримиз

Маълумки, ҳар йили 18 октябрь Самарқандда "шаҳар куни" сифатида нишонланади. Ушбу байрам муносабати билан вилоят ўлкашунослик музейи ҳовлиси мўъжазгина гуллар майдонига айланиб кетди. Шаҳар кунидан айнан мана шу байрамни ўтказиш аёнанавий тус олмақда. Табиат ранглари тантанаси Самарқандда тўртинчи мартаба ўтказилмоқда. Вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган бу йилги байрам ҳар йилгидан-да ўзгача тарзда ташкил этилди.

Байрам дастуридан гуллар ва манзарали ўсимликларнинг кўргазма ярмаркаси, гулшунослар тақдироти ва танлови, табиат мухлислари учрашуви, мутахассислар маслаҳатлари ва маҳорат дарслари, бадий ҳаваскорлар чиқишлари ўрин олди.

— Ўзбекистон — жонажон Ватанимиз, уни асраб-авайлашимиз, ўлкамизнинг янада гўл



лаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўйиш учун интилишимиз лозим, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгаши раиси М.Бобоев. — Минглаб ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларга хурсандчилик улашиб келаётган гулчи ва боғbonларнинг қилаётган ишлари таҳсинга сазовордир. Тадбирга барча самарқандликларни, хаваскор гулчилар, ўсимликшунослар, ёш табиатушнослар, ўқув юртлари, маҳаллалар, боғдорчилик марказлари ва гул дўконларини тақлиф этганимизнинг боиси, семимли шахримизни кўкаламзорлаштириш ва манзарали ўсимликларни ўстириш, унинг кўрқига кўрк қўйиш, табиат мусафоллигини таъминлашдир. Қолаверса, мазкур гуллар байрами ёш истеъдодларни аниқлаш баробарида, юртимизнинг гўзал флорасини янада бойитиш, кўпайтириш ва асрашга ундайди.

Шунингдек, тадбир доирасида "Иссиқхона ўсимликлари", "Хона ўсимликлари", "Кактуслар олами", "Бинафшалар сеҳри", "Биз сизга бахт тилаймиз", "Гуллар амалий беэас санъатида", "Икебаналар танлови", "Энг яхши гулчи", "Мухрланган лаҳза" фотосуратлар танлови, "Қамалак гул ранглари" болалар расмлари каби танловлар ўтказилди. Танлов ғолиблари диплом ва қиммат-

мавзусида ёши ва касбидан қатъи назар хоҳловчилар ўзлари оруз қилган гуллар расмининг чиқиши. Барча иштирокчиларга Самарқанд тинчлик ва бирдамлик музейи томонидан қозongan ясалган турли рангли япон турналари тақдим этилди.

Ушбу байрам тадбирини ўтказишдан мақсад хонадонларни, ўқув муассасалари, кўчаларни ободонлаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятини ошириш, эстетик дунёқарабини шакллантириш, табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, ўзи яшаб турган шахрининг гўзал бўлишига ҳиссасини қўша оладиган қилиб тарбиялашдан иборат.

Дарҳақиқат, гуллар бизга яхши кайфият улашувчи ҳамроҳимиз, уларсиз бирорта тантана ўтмайди. Донишмандлардан бири айтганидек: "Инсон бахти учун қўёш, осмон ва гул керак". Айтишларича, ҳар бир инсон умри давомида фарзанд ўстириши, уй қуриши ва дарахт экиши керак. Агар ҳар бир киши атиги биттадан гул парваришласа — заминимиз гулзорга айланади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Ўқинг, бу қизиқ

Ғоят қимматбаҳо либос

Ҳиндистоннинг юқори сифатли ипак ишлаб чиқарувчи "The Chennai Silks" компанияси дунёдаги энг қиммат сарини яратди.

Қимматбаҳо сари олтин, платина ва қумуш иплардан тикилган бўлиб, олмос, ёқут, сариқ сапир, зумрад ва "мушук кўзи" номли тошлар, марварид ва маржонлар билан безатилган. Етти ой давомида тикилган "The Chennai Silks" сариси ойиш беш минг АҚШ долларига баҳоланмоқда. Сарини тайёрлаш учун ўттиз нафар тикувчи жалб қилинган.



Улкан қовоқ

Швейцариялик фермер улкан қовоқ етиштиришга муваффақ бўлди.



Мазкур давлатнинг Зеегребен шаҳарчасида истиқомат қилувчи Бени Майер оғирлиги 769 килограммни ташкил этувчи улкан қовоқ билан барчани хайратга солди. Фермер Бени ўзи етиштирган бу полиз экени билан Германияда ўтказиладиган қишлоқ хўжалиги халқаро ярмаркасида иштирок этиш ниятида.

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета		БШ муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши		Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс); Котибият — 288-42-06 (148).
Ташхир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазир ХУЖАБЕРДИЕВ, Қолжир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Мухаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алшпер МУМИНОВ.		Намбаатчи муҳаррир — Қадирхон ҚУЛДОШЕВ. Намбаатчи — Илос САХАТОВ.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган		«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририни рухсати билан амалга оширилади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.		НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
Ташхир маънаси: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-й.		ISSN 2091-5237
«Шарқ» НМАК босмахонасида chop этилди. Қорихона маънаси: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-й. Буюртма Ғ — 1000. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғал бичими А-2. Адади — 6374. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.15		1 2 4 5
adolat_gazeta@mail.ru		9772091521009